Миллий Тикланиш

Узбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1995 йил, 10 октябр | 18 - сон

ИЛМ ИЧРА МОҲИРЛАР КЕРАК!

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ ТААССУРОТИ

Бизнинг бугунги замонамизда бўлаётган ўзгаришлар, кун-макун ҳаётимизга кириб келаётган янгиликлар, мамлакат ва халқ тақдири учун давлат раҳбари кўраётган тадбирлар, унинг серўй, серхаёл, бугунги мавжуд реалликни, у асосда эртага етадиган келажакни соғлом, ҳушёр, сергак ва хушманд тасаввур қилишга кўмаклашадиган йўлсоз, ишчи ғояларга тўлиқ нутқлари одамни беихтиёр яқин ўн йилликларда кечган турмуш билан эндиги воқелигимизни солиштириб кўришга, қиёслашга, хулосалар чиқаришга ундаб туради.

Дарҳақиқат, биз кўпчилик ўтмишдан келаётган, ўтган ўн йилликларни ўз бошидан кечирган, ўз тақдиридан ўтказган, умрининг эҳтимол энг азиз лаҳзаларини ўша кунлар — ўша ўн йилликларга бахшида этган ва ҳатто бутунлай бағишлаб юборган одамлармиз.

Ўтган кунларимизни ёмонласак, гўё ўзимизни ёмонлаётгандек, нафсиз, фойдасиз умр кечиргандек, интилишларимиз шамолларга совурулгандек, саробларга айлангандек сезамиз.

Лекин келинг, бафуржа ўйлайлик. Қораламайлик. Ёмонламайлик. Лой чапламайлик. Фақат осуда таҳлил этайлик. Биз ўзимизга яшамоқнинг чеки тушган ўша давр, ўша ҳаёт, ўша тузумни — ўз ҳаётимизни яхши билармидик? Бизга ёт ерларда биз учун чизиб берилган, ҳаммамиз учун бир тусда бўлган ягона бир чизиқни инкор эта билармидик? Бизга шу чизиб берилган чизиқдан ўзга ҳаёт йўриғи, мақсад-оъмоли қолганмиди? Ул машъум ва ўта кетган сохта, жўн чизиқдан четга чиқиб, ўз инсоний ихтиёримиз ва иродамизни баён қила олармидик?

Холисанилло жавоб берайлик бу саволларга! Тузум кишанлари ўша чизиқдан ташқарига чиқармасди. Илм ҳам, маданият ҳам, адабиёт ҳам, санъат ҳам — ҳамма-ҳаммаси фақат шу мафкура ва унинг зулми чизиғи ичидагина мумкин эди.

Мафкура чизиғи эса зўравонлик билан қулликка ўргатар, қулликни рағбатлантирар, қулликка ўзини яхши чоғлаганларни имтиёзлар билан қувонтирар, имтиёзлар эса инсоний иродани бутунлай топириш, ўз ранг-баранг салоҳиятлари ва имкониятларидан воз кечиш ҳисобигагина бўларди.

Шунинг учун таъзимкорлик авжида эди. Ўтмиш китоблар, кинолар, газета-журналларнинг саҳифаларини варақласангиз, таъзимкорлик бу қадарли урф бўлганлигини кўриб энди ёқангизни ушлайсиз. Таъзим яхши, хушахлоқ сўз. Лекин халқ ўз иродаси, ихтиёри, миллий ўзига хослиги, миллий қадриятлари ва миллий мустақил давлатчилигини бой бериш, уни бошқалар ихтиёри ва ҳукмига топириш ҳисобига таъзимкорлик қилса, бу ҳеч ажабмаски, қулнинг таъзим-тавозеларидир. Таъзим-тавозе эвазига турли моддий ва маънавий имтиёзлар олса, бу қулнинг имтиёзларидир.

Эгаликни бутунлай йўқотсангизу шунинг эвазига турли имтиёзлар олсангиз, бунинг отини нима деб аташ мумкин? Бунинг умуман оти бормикин ўзи?

Илгари бу ерни ҳеч қачон мамлакат деб атамасдилар. «Бир ўлка...» — дер эдилар. Мамлакат демасдилар. Ҳеч ким мамлакат демасди. Чунки мамлакат эркин, ҳур, ўз иқболи, ўз тақдирига ўзи эга одамлардагина бўлади. Ўлка эмас, мамлакат дунё билан тенг муомала-муносабат қилади. Мамлакат — мулк тушунчасини ўз ичига олади. Ҳар бир мулкнинг эса ўз қонуний эгаси, вориси, меросхўрлари бўлади. Мулкларнинг жамулжамидан юридик шахс — мамлакат ҳосил бўлади. Мулкимиз бўлмагач, эгалигимиз ҳам барҳам топган эди. Мулкимиз бўлмагач, мамлакат ҳам деб аталмас эди. Ҳа, бой тарих, бой маданият, бой миллий анъаналарга эга бўлган халқ мулксиз, мамлакатсиз қолган эди. У ўлкада ҳамма қатори ҳақсиз яшарди. Унинг ҳақлари эса бари боя айтганимиз бир қизил қонли чизиқ ичидагина эди. Эгасиз жойлар ўлка деб аталар экан. Ўлкага сиздан ижозат олмай ҳам истаганча келиб-кетишаверар экан... Шундай эгаси мавҳум жойлар ўлка бўларкан... Мана, ўлка билан мамлакатнинг фарқи. Мана, эгаликнинг аҳамияти ва мақоми.

Эгалик билан бирга тақдирни эркин белгилаш, эркин ўстириш, лаёқатлар, уқувларга эркин ривож бериш ҳақ-ҳуқуқлари қарор топди. Энди сизни ҳеч ким туртмайди. Сиз учун сизнинг ҳаётингизни ҳал этмайди. Сизни бир чизиқ ичига ташлаб қўймайди. Давлатингиз ўзингизники. Рамзларингиз ўзингизники. Ҳаммаси мустақил мамлакат дунёда ўз ўрнини тиклаганлигини билдиради. Энди сизга ҳеч ким, ҳар қанча кучга эга бўлганда ҳам дахл қилолмайди. Сизни қўрқитолмайди. Эсингиздами, қандай қўрқув ичида яшаган кунларингиз.

Сизга ғазаб қилсалар, қўрқар эдингиз. Дарҳол кўзингизда қўрқув акс этарди. Ҳолбуки, ноҳақлик, сизга қарши ғазаб сизда ҳақлик ҳиссиётини жўштириши, ~~ғазаб-зулмга қўрқув~~ билан эмас, унга тенг ғазаб ва нафрат билан жавоб беришингиз керак эди.

Одамлар қалбларидан қўрқув кетиб, унинг ўрнини ишонч, эгаменлик туйғулари ва англашлари эгаллаб бораётганлиги мустақил мамлакат сиёсати учун улуғ ғалабадир.

Навоийнинг рамзлар, башоратларга тўлиқ «Хамса»сида ёдингиздадир. Пайлақус ҳаким Шахрисабзда тоғлар ичра маскан тутган дайрда ётиб туш кўради. Унинг тушида икки ғаройиб қуш ҳакимнинг боши тепасига учиб келиб, сайраб туриб тилга кирадилар. Бири айтади: «Икки оёғингга кишан тушади. Ишратинг барбод бўлади. Турар жойинг қоронғу ғўрга айланади». Иккинчи қуш айтади: «Қўрқма. Юлдузинг саодатли бўлади. Елкангдан иккита қанот ўсиб чиқади. Парвоз этиб нажот топасан». Ҳаким Хизрга йўлиқиб тушининг таъбирини сўрайди. Хизр айтади: Юз йил одамлардан чекил. Риёзат чек. Ўзингни, саодатингни топгайсан.

Чунки юз йил ўтар нажот етар,
Жонига муждаи ҳаёт етар
Тийра шомики қатъ ўлур минбаъд
Кўзини ёритур бир ахтари саъд...

Мана шу туш бизнинг халқимиз, мамлакатимизнинг ҳам туши ва таъбиридир. Юз йил зулм ва қоронғулик азоби ичида ўтди. Халқимиз азоб синовларидан омон чиқди. Тийра қоронғулик қайтиб келмас бўлиб кетди. Халқ, мамлакатнинг саодат юлдузи балқди. Бугун кўзлар, руҳлар нуроний! Энди илм моҳирлигига эришайлик. Саодат юлдузимизни баланд қадрлайлик.

МУҲАРРИР

ТУХУМ ЯХШИМИ ЁКИ ГАЗЕТА?

Афанди кузги ғалласини сочиб юриб тушликка дала четига чиқди. Хотини газетага ўраб бериб юборган тухумни очди ва обуна бошланганини эслаб ўйланиб қолди.

Битта товуқнинг тухуми уч сўм, — дебди Афанди. — Қаранг. Уч сўмга тухум олиб, эрталаб наҳорга илитиб ютсангиз, уч чақиримга халлосламай югуриб борсангиз бўлади. Тухумда гап кўп-да. Эне-е-ергия!

Лекин «Миллий тикланиш» деган газет чиқипти. У ҳам уч сўм турар эмиш.

— Хўш-хўш, униси ҳам уч сўм турса, буниси ҳам уч сўм турса, тухум яхшими, газетми? — деб Афанди бошини қашиб ўтирди.

— Дарвоқе, — дебди Афанди ниҳоят бир фикрга келиб: — Тухумни илитиб ютсангу газет ўқимасанг, дунёдан, ўз мамлакатингнинг ҳаётидан бехабар бўлсанг, бу ҳам унча ярашмайдиган иш экан... В консе консов, қорин бандаси эмасман-ку мен! — Аллакимларга ўхшаган. Мени Афанди дейдилар! Мен ўша «Миллий тикланиш»га ёзиламан! Шу газетни ўқисам, Америкагача юғурсам, чарчамасам керак! Ғалла ҳам буёғи чакки эмас. Бўлиб берса, худо хоҳласа, ҳамма коримизга ярайди!



«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»га обуна бўлинг!

Обуна нархи
фуқаролар учун:
бир йилга — 130 сўм
олти ойга — 65 сўм
фуқаролар учун нашр индекси — 64618
КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР УЧУН:
БИР ЙИЛГА — 156 сўм
ЯРИМ ЙИЛГА — 78 сўм
Корхона ва ташкилотлар учун нашр. индекси — 64619

Сиёсий фикр майдонларида

«БИРОДАРЛАР, АҚЛИМИЗГА ИШ БУЮРАЙЛИК!»

Сўнгги аср давомида ўзбек зиёлиси, қолаверса, янги мустақил давлатларнинг барча аҳолиси Россиядаги вазиятга сергаклик, ташвиш ва хавотир билан боқиб келди. Бугун ҳам шундай қарашда давом этаётир. Чунки Россиянинг ўзгариши биз учун ҳам ўзгариш эканлигини 70 йиллик тоталитар тузумда ўз тақдири оъмолимизда синаб кўрдик.

Москавада бўлиб ўтган 1991 йилги август, 1993 йилги октябр воқеалари жаҳон афкор оммасининг юракларини така-пука қилди. Кейинроқ парламент сайловида Жириновскийнинг шоҳсупага кўтарилиши миллионлаб одамларни ҳайратга солди. Иродаси бўшроқ одамларга бир зум миллий мустақиллик, озодлик ва суверенликлар жиддий хавф остида қолгандай туюлди. Хайриятки, қора булутлар шикастсиз ўтиб кетди.

Мен ҳам кўплар қатори, ўзбекнинг бир зиёлиси сифатида бугунги тарихий кунлар ҳақида, халқимиз пешонасига битган саодатли дамлар — мустақиллик йиллари тўғрисида ички ҳаяжон билан ўйга толаман. Тақдирга шукроналар айтаман. Биз истаймизми-йўқми, ҳамма замонларда ҳам тарихни, халқ ва миллат тақдирини янги ўзанга солиб, уни ёруғ ёки қоронғу истиқболга рўпара қилиш айрим тарихий шахслар, юрт, давлатбошилар қўлида, зиммасида бўлиб келган.

Аловуддин Хоразмшоҳ, Жалолиддин Мангубердини олинг, Амир Темур, Шайбонийхону Бобур мирзолар ҳаёт йўлларига разм солинг. Кечаги Ота турк сўнг Турғут Ўзолни, Америка президентларию Англия Бош министрларини, Германия канцлерларию фаранг ва рус императорлари тарихларини кўздан кечиринг. У ёки бу миллат, давлат, халқ тақдири —оъмоли бир тарихий шахс ва уни ўраб олган аъёнларнинг саботу иродаси, салоҳияту иқтидори, туяни миниб узоқни кўзлашию тафаккур қувватининг даражасига боғлиқ бўлиб келган.

Шу нуқтаи назардан истиқлолимизнинг бешинчи йилида биз ўз давлатимиз, миллатимиз, халқимиз тақдирига, унинг бугуни ва истиқболига назар ташлайдиган бўлсак, беихтиёр кўз ўнгимизда Президент Каримов сиймоси намоён бўлади. Сизлар эслайсизларми-йўқми, муҳтарам муштарийлар, мен Ислом Каримовнинг Қашқадарёдан келиб 1990 йили Ўзбекистоннинг ўша даврдаги давлат раҳбари бўлиб, биринчи ўтказган ҳукумат ва жамоатчилик йиғилишидаги нутқини радиодан тинглаганман.

Расмий маърузадан кўра дўстона суҳбатни эслатувчи мулоқотда халққа мурожаат қилиб, «биродарлар, ақлимизга иш буюрайлик», деган эди. Орадан беш йил ўтиб, мулоҳаза қилиб кўрсам халқнинг донишмандона бу нақлини шунчаки чиройли ибора сифатида ишлатмаган, балки бу нақлни ўзининг ҳаётий раҳбарий принципи, эътиқодига айлантириб олган экан.

Далилларга мурожаат қилайлик. 1991 йилги Москва ГКЧПсига муносабатда Ҳиндистон сафарини тўхтатиб қайтган давлатбоши синчков ноиб йигитнинг «биз ГКЧПга қўшилдик, уни тан олдикми, ёинки қўшилмадик, рад қилдикми, англай олмадим» деган саволига, ҳали масалани чуқур ўрганиб, хулоса чиқариш имконига эга бўлмаган бош раҳбар, худо кўнглига солдими, «Ўзбекистоннинг ўз йўли, бизнинг ўз мустақил фикримиз бор. Агар ГКЧП бизнинг йўлимизга, принципларимизга дахл қилмаса, у билан мулоқотда бўламиз, акс ҳолда биз унга қарши ўз йўлимизда давом этамиз!» — деган фикрни айтди.

Нега у айнан шу мазмунда жавоб қилди? Эртага нима бўлишини, замон қаёққа оғиб кетишини билмас, башорат қилолмас эди-ку? Чунки у республика раҳбари сифатида 20 миллионли фуқароси кўз ўнгида, ўз ақлига иш буюрди ва ундан тўғри жавоб топди.

1991 йилнинг 31 августини кўз ўнгингизга келтиринг. Олий Кенгаш сессияси минбаридан СССРда иккинчи Президент бўлиб сайланган халқаро арбоб кутилмаганда, ўз мамлакатини мустақил деб эълон қилди. Бундан душманлар тугул, дўстлар ҳам ҳангу манг бўлиб, масаланинг моҳиятига фаҳмлари етмай, гангиб қолишди. Нега шундай бўлди? Тарихнинг бурилиш нуқтасида Президент Каримов ўз ақлига иш буюрди. Ундан тўғри жавоб олди.

Келтираман десак, қисқа муддатда, мисоллар жуда кўп. Маънавият, жумладан, динга муносабатдаги меъёр, қўшин, чегара, рубл ҳудудида туриш, купон босқичига ўтиш, миллий валюта чиқаришгача бўлган мураккаб масалаларда асосий, тўғри йўлни танлаш, оқибат-натижанинг осойишталик, барқарорлик, халқаро дунёда миллат ва давлат обрўйининг ортиши, одимни катта отишга олиб келганини ҳаммамиз, барча кўзи очиқ одамлар эътироф этмоқда.

Тағин битта халқчил мисол келтирай. Ўзбек тили давлат тилига айланди. Қонунни бажаришда Президентнинг ичи кенг сиёсат юритаётганига бир диққат қилинг. Белгиланган муддатнинг кўпи ўтиб қолди. Бироқ ҳеч қайси халқ, миллат, элат вакили ўзбеклар бизнинг ҳуқуқларимизни чеклади, тил билишда зўғум қилди демади, бундан кейин ҳам демайди, деёлмайди. 8 йилда ўзга забонлиларнинг барча авлоди давлат тилини истаса, ўз она тилидай ўзлаштира олади. Бу жараёнга ҳамма: зиёлилар, раҳбарлар, жамоат ташкилотлари баравар ёрдам беришлари, ибрат кўрсатишлари керак.

Сиз Президентнинг бугунги нутқларига эътибор беринг. Шахсий намуна кўрсатишда бундан ортиқ мисолни топиш қийин. Давлат раҳбарининг бугунги ўзбекча нутқлари бой, мантиқли, мазмунли, жозибали, ўхшатиш, сифатлашлар, образлиликка тўлалиги билан ўзига хос. Маънодош сўзлар, жумла ва ибораларни топиб ишлатиш, ўрнига қўйиб ўз нутқини таъсирли қилиш, муқобиллари билан гапириш жиҳатидан қанчалар эътиборли эканлигини халқ кўриб, билиб турибди.

Ўтган йили биз улуғ бобокалонимиз ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд таваллудларини нишонлаб, байрам қилдик. Ҳазратнинг «дил ба ёру даст ба кор» шиорларини ҳаётимизга қайта жорий қилишга даъват этдик. Шунинг сингари ўзбек халқининг содда, одаму синф, жамоаю ташкилот танламайдиган халқчил нақлига эътибор қилайлик. Бунда хўжайину хизматкор йўқ. Бунда фуқарою амалдор йўқ. Унинг холислиги, демократлиги ҳам шунда.

Президент Каримов «Биродарлар, ақлимизга иш буюрайлик» деганда фақат хўжалардек авомга иш буюриб, ўзи қўл қовуштириб ўтирмади. Балки энг аввало, ўзининг ақлига, ундан кейин ўзгаларнинг ақлига иш буюрди. Бу қўрқни ўзлаштирди, унга уруғ қадади. Шукурки, илк бор заҳматли меҳнати ҳосилини ола бошлади...

Қавмларимизга, ватандошларимизга назар солинг. Бозор иқтисодиёти хуружи қаршисида ҳамма: каттаю кичик, кексаю ёш, косибу деҳқон, зиёлию ҳунарманд баравар тирикчилик ташвишида ҳаракатга тушиб кетган. Қўли қимирлаганнинг оғзи қимирлаяпти. Ҳамма ўз ақлига иш буюриб, умргузаронлик қилаётир.

Биз бугун ўз мустақил миллий мафкурамизга қайтяпмиз. Уни шакллантиряпмиз. Келинг, биродарлар, ақлимизга иш буюрайлик. Бу йўлда ҳормай-толмай енг шимариб тер тўкайлик.

Маҳмуд САТТОРОВ

Етти иқлим чопари

АНДИЖОН ЙЎЛЛАРИДА

Ғалабанг муборак бўлсин, Андижоним — полвон диёрим!

Номинг элда мудом мукаррам бўлсин!

Минг шукурки, ер кўрмаган елкангни силаб, юртда доим музаффарлик тақдирин тилаб, Ғалабангдан чирмандалар янграб бада-банг, Карнай-сурнай қийиқ боғлаб олганда жаранг, Ҳузурингга зиёратчи бўлиб елмадим! Тўй базмингга бир алёрчи бўлиб келмадим!!!

...Терим суръатининг товуши Тошкентда акс садо берди-ю, қадамингдан кўз-қулоқ бўлиб турган жоним азим пойтахтга сиғмай қолди. Волидасин имосини туйган фарзанддай сенинг меҳнат майдонларингга талпиндим.

Сунбуланинг салқин саҳарларида зумрад кўсакларинг кўзаларига кумуш шуълалар эланар эдим... Кузнинг вазмин ҳаволарида тиниққан туйғуларим соғинчларга айланган эди.

Ҳашарчи набиранг билан шошқиниб «Тошкент» шоҳбекатига етиб борганимизда, Андижон автобусига патталар тугаб, ундаги битта ўриндиқдан бошқа ҳамма жой эгалик бўлган экан. Кузатиш майдончасида аллақанча йўловчи ҳайдовчини кўз очирмайди: улар тикка туриб бўлса-да манзилига етиб олишмоқчи. Тарвузимиз қўлдан тушиб беҳол турдик... Ҳайдовчи зийрак экан, биз томон қайрилиб, сўради:

— Сизлар қаёққа, опа? Жуда астойдил...

— Андижон — пахтага тушибди. Шунга талаба қизим шошяпти...

— Ҳимм, шунақа денг. Йигирма биринчи жой — бўш. Ўшанга чиқа қолсин!

Ўзим ёрдамчи ҳайдовчи дам олиб кетадиган жойга ўрнашдим.

Ҳайдовчи йигитлар Расулов Қобилжон билан Баратов Баҳодиржонлар ўн беш йилдан бери мана шу йўналишда қатнашаркан. Ҳўб ажойиб қизиқувчан одамлар экан: тижоратчилар билан тужжорлар тилида, олимлар билан олимлар шевасида, уламолар билан ислом рукнида суҳбат қуришди.

— Бугун Андижонда ҳамма пахтакор, — дейди Баҳодиржон. — Бировни биров далага ундагани йўқ. Ахир мана шу автобусимиз ҳам пахтамиз шарофатидан бутун бўлгандан кейин...

— Пахтамиздан автомобил қисмлари ҳам тайёрланаяпти, денг, — суҳбатга қўшилди Тошкентдаги шифохонада даволаниб қайтаётган йигит.

— Пахтамиздан ракета қопламаси тайёрланганида, автомобил ясалмайди, деб ким айтолади. Аммо мен мамлакатимиз транспортининг кўплаб эҳтиёт қисмлари пахтага алмаштирилиб олиб келинаётганини айтяпман, — изоҳ берди Қобилжон.

Пахта! Яна дардимизга малҳам, оғиримизни енгил қилаётган дўстимиз — пахтажон! Бугун юрт мустақиллигини мустаҳкамлаш учун ҳар жабҳада энди ўзинг халқ қалқон бўлаяпсан Марди-майдоним! Алп қаҳрамоним, той — пахтажоним!

Она шаҳримдаги ота даргоҳим остонасидаёқ сездимки, Андижоннинг катта хирмони менга қараб қолгани йўқ экан: Бўлажак мухандислар муаллими акам Маҳмуджон ҳам, унинг якка-ёлғиз эрка қизи Ферузахон ҳам далаларга ҳашарга чиқиб кетишибди.

— Ферузақизни ёнингиздан бир қадам жилдирмасдингиз, нечук? — дейман келин аямга.

— Жиянингиз янги очилган олийгоҳнинг тикувчилик саноати бўлимига ўқишга кирди. Келажакда очадиган тикувчилик фабрикам учун хом ашё хамиртурушини тайёрлаб келай деб, қишлоққа кетди Ферузангиз, — дейди Манзурахон жилмайиб.

Манзурахон шаҳардаги 6-мактабда муаллима. Унинг айтишича, пахта ҳосилини тезроқ йиғиштириб олиш учун вилоятимизда терим мавсуми кенг кўламда ўтказиляпти экан. Хусусан, ҳашарга чиққан халқ таълими ходимлари вакилларини бўлимининг мудири Азизбек Абдураҳмонов. — Аввалари пахтакорларимиз қатори ҳашарчилар ҳам ўзгаларга бойлик йиғиб берувчи чорикорлардек гап эди. Энди ҳашарчилар ҳатто пахтакорларга кўмакка чиқишяпти, дейиш ҳам хато, — таъкидлади Азизбек. — Қайси муассасалардан ҳашарчилар чиқишган бўлса, жамоа хўжаликлари билан ўша муассаса раҳбарияти ўртасида шартномалар тузилди. Мактаб ёки техникумларнинг хўжалигига қанақа ашёлар зарур бўлса, жамоа хўжаликлари ана шу камларини битказиб беришади. Лекин бу — терилган «оқ олтин» учун тўланадиган ҳақ ҳисобидан бўлмайди.

Ажаб замонлар бошланди! Бутун бошли республикаларгина эмас, бир ҳудуддаги ҳар бир ташкилот ҳам ўз ҳисоб-китобини юргизаяпти. Ҳар ким кўмачига

Давоми иккинчи бетда

«МТ»: воқеалар, хабарлар

ЭНДИ БАРИ БОШҚАЧА

...Бундан ўн-ўн беш йил муқаддам биз «ривожланган социализм» даврида яшаётган маҳалимиз, ёдингизда бордир, катта-катта амалнинг бариси фақат «давримизнинг шон-шарафи ва виждони» бўлган фирқа аъзоларига берилларди. Шу сабабли бўлса керак, айниқса олий маълумотли мутахассислар «отингни сот, молингни сот, ишқилиб фирқага ўтиб ол» ақидасига қатъий риоя қилишарди. Айнан раҳбар кадрлар тайёрлаб берадиган маскан — олий фирқа мактаби эса юмшоқ оромкурсиларга интилувчиларнинг бамисоли Каъбаси эди.

Энди замон ўзгарди. Шу билан бир қаторда Ленининнинг машҳур «Давлатни ошпаз аёл ҳам бошқараверади» деган гапи аслида гирт чўпчак эканлиги ҳам аён бўлди. Зеро, давлат — ошхона, халқ эса ошхўрлар эмас. У мураккаб механизм. Уни бошқариш учун эрича салоҳият, илм, тажриба ҳам керак экан.

Хуллас, гапнинг индаллоси шуки, ўтган ҳафта Тошкентда Давлат ва жамият академияси ўзининг машғулотларини бошлади. Мураккаб синовлар, суҳбатлар натижасида саралар ичидан чертиб-чертиб энг сара тингловчилар танлаб олинди.

Ахир, айтганларидай, ҳамма нарса кадрларга боғлиқ-да.

Вақт одил ҳакам. Эрта-индин айнан шу ёш-ёш йигит-қизлар буюк Ўзбекистон қурилишининг олдинги сафларида туриб, миллатимиз келажагини ёрқин этаолармикинлар?

Бизнинг уларга ишонгимиз келади. Чунки дастлабки тингловчилар фирқа рўйхатлари асосида эмас, билим ва истеъдод мезонлари асосида танлаб олинган.

«ТОҒ МУҲАММАДГА БОРМАСА...»

Аҳли қалам учун ғалвир сувдан кўтариладиган пайтлар етиб келди — обуна мавсуми бошланди.

Албатта, нашрлар сони кўпайган, дўконларда газета-журналлар тахлам-тахлам бўлиб ётган бугунги кунларда ҳар бир муштарийнинг ўз суюкли ҳафтаномаси (ҳафтада бир чиқадиган газетаси) ёинки икки ойда бир чиқадиган журнали бор.

Бироқ гап бошқа ёқда. Яъни, обунани ташкил этиш. Ташкил этганда ҳам замон талабларига мос, ўқувчилар манфаатидан келиб чиққан ҳолда.

Замонамиз тез ўзгармоқда. Шиддатли бозор иқтисоди ўз таъсирини ўтказмоқда. Ҳатто баъзида кутубхонага бориб келиш учун фурсат етишмайди. Табиийки, мана шундай шароитларда бирон алоқа бўлимига кириб, газета-журналларга обуна бўлиш учун ҳамиша ҳам вақт бўлавермайди.

Талаб ва таклиф уйғунлиги ҳукм сурадиган бозор алтернатив (муқобил)лик талаб этади. Ахир, монополия ҳеч қачон бозор манфаатларига хизмат қилмайди-да. Буни яхши тушунган рус биродарларимиз ўзларида газета-журналларга обуна бўлишнинг алтернатив хизматини ташкил этишди. Ҳам давлатникига нисбатан арзон, ҳам нашрлар ўз вақтида етказиб берилишини кафолатлайдиган, йўқса жарима тўлашга ҳам тайёр ташкилот. Бироқ бу ҳали ҳаммаси эмас. Бу хизмат вакилларига қўнғироқ қилсангиз бас, истаган маҳал уйингизга келиб, ортиқча бир тийин олмасдан муштарийни истаган нашрга обуна қилдириб кетишаркан. Имтиёзлар-чи? Айтайлик, обунанинг дастлабки ойида нархнинг 20 фоизи чегириб ташланади, кейинги ойида ўн фоизи... Ишқилиб, муштарий тезроқ ва кўпроқ обуна бўлишдан манфаатдор...

Юртимизда ишбилармонлар кўп. Чекка-чекка овулларда эса ўқиш иштиёқида бўлган, бироқ газета-журналларни ўз вақтида ололмаётган фуқароларимиз ҳам бисёр. Овулку, ҳатто шаҳарда ҳам баъзан обуна нашрларини ўз вақтида ололмаймиз. Демак, муаммо етарли. Ғап уларни ҳал қилиш имконини топишда. Ишлаган эса ҳамиша ҳам имкон топади.

Г. МУРОДАЛИЕВА

«МТ» саёҳатномаси

МУСТАҚИЛ ОДАМЛАР МАМЛАКАТИ

- Гулнор... Америкада
- «Ота-онамдан қарз бўлгани уяламан»
- 30 ёшли келинлар, 40 ёшли куёвлар
- Америкаликлар энг миллий халқ

Бундан ўн йилча муқаддам, қайта қуриш шарофати туфайли темир панжаралар кўтарилгач, шўролар империяси вакиллари ниҳоят чет элларга чиқа бошладилар. Айтишларича, ўша маҳаллари АҚШда юрган собиқ СССР фуқаросини бир лаҳзада таниб олса бўларкан, яъни у қовоғини солиб, бағоят жиддий тарзда, хавфсирабгина одим отар экан. Табиийки, худди ҳозиргина лотореясига «Форд» машинаси ютгандай оғзи қулоғида кетаётган америкаликлар орасида бадқовоқ одам яққол кўзга ташланади-қолади.

Дўконлари-ку, ватанадошларимизни бутунлай довдиратиб қўяди. Моллар рангбаранглиги бир тараф, сотувчиларнинг хушмуомалалиги бир тараф. Бир центлик харид қилмасангиз ҳам, сотувчи бахтиёр тарзда эшиккача кузатиб қўяди, қайта-қайта раҳмат айтади...

Хўш, «сеҳрли диёр»нинг сеҳри нимада? Бир ёзувчимиз таъкидлаб ўтганидай, америкаликлар бой бўлганлари учун маданиятлими ёки маданиятли бўлганлари учун бойми?

Аёнки, аслини олганда, ҳар бир киши қандайдир даражада Колумб. Инчунин, ҳар ким ўз Америкасини кашф этади. Айниқса, бу қитъага қадам қўйган миллатдошларимизнинг таассуротлари биз учун аҳамиятга молик.

«Қутлуғ қон» видеофилмида Гулнор ролини ижро этиб, миллионлаб «ойнаижаҳон» муҳлислари муҳаббатига сазовор бўлган Насиба Усмонова яқинда АҚШда бўлиб қайтди. Дарвоқе, «Гулнор» ҳозир анча униб-ўсган — Ўзбекистон Миллий ва ижтимоий барқарорлик жамғармаси раиси ўринбосари лавозимида ишламоқда. Ҳам жамоатчи, ҳам санъаткор опа билан суҳбатимиз Америка таассуротлари хусусида бўлди.

— Насиба опа, Сиз 1989 йили ҳам АҚШда бўлган экансиз. Ўтган олти йил ичида мамлакатимизда мислсиз ўзгаришлар юз берди. Ижтимоий тараққиётимизда кескин бурилишлар содир бўлди. Бу давр ичида Америка турмуш тарзида ҳам ўзгариш рўй берганини илғадингизми?

— Ҳа, ўтган шу қисқа муддат онгимизда, руҳиятимизда улкан янгиланишлар ясади. Ёдимда, АҚШда биринчи сафарим вақтида барча ҳужжатларни фақат Москва орқали тўлдириб, аэропортларда тунаб қолиб, кўп қийналгандим. Бу галги сафарим эса, таъбир жоиз бўлса, хамирдан қил суғургандай осон кўчди. Менимча, бу ижобий ҳол улуғ Истиқлолимиз туфайлигина рўёбга келди.

Америка ҳақида гапирадиган бўлсак, олти йил гўё унга таъсир қилмагандай: у ҳамон аввалгидай жозибали ва мафтункор.

Ўзингизга маълум, биз оилани «жамиятнинг кичик ячейкаси» деб келдик. Ҳақиқатан ҳам шундай. Томчида қуёш акс этгани мисол, оила тимсолида бутун жамиятнинг аҳвол-руҳиятини, унинг бугуни, эртаси ва ҳаттоки кечанги кунини тасаввур этиш мумкин. Шу йилнинг май ойида Америкадан бир гуруҳ меҳмонлар келганда биз уларни дабдабали меҳмонхоналарга эмас, балки оилаларга жойлаштирдик. Меҳмонлар ўзбекларнинг турмуш тарзини, урф-одатларини ўзаро муомаласини, одоб-ахлоқини, хуллас, бутун ҳаётини бевосита оила бағрида туриб кузатдилар.

Худди ана шундай ажойиб имконият бизга ҳам насиб этди. Биз Нью-Йоркка етиб келганимиздан Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси ходимлари ҳамроҳлигида Виржиния штатига йўл олдик. У ерда бизни май ойида юртимизда меҳмон бўлиб кетган америкаликлар қучоқ очиб кутиб олишди. Шу ердан ҳаммамиз «уйуйимиз»га тарқалдик. Мен Сенди Клемен хоним хонадонида истиқомат қилдим.

Биз Оқ уйда, АҚШ Давлат департаментида, тарих музейида, Кеннеди Марказида, Жоржтаун дорилфунуни ҳамда Мусиқали театрларда бўлдик.

Албатта, АҚШнинг осмонўпар бинолари, ялтир-юлтир рекламаларга бой кундалик ҳаёти ҳақида кўп ёзилган. Аммо, наздимда, мен бу мамлакат ҳақидаги энг кўп ва қизиқарли, ибратли маълумотларга айнан ўзим истиқомат қилиб турган хонадонда эга бўлдим.

— Насиба опа, Америка оиласи ҳақида батафсилроқ сўзлаб берсангиз.

— Бажонидил. Аввало мени ҳайратга солган бир ҳолат ҳақида. Тўғри, биз АҚШнинг сармоядор, давлатманд, ишбилармон одамлари яшайдиган Висенна шаҳрида яшадик. Аммо мен бу ҳол бутун мамлакат учун хос деб ҳисоблайман. Гап оилада болага муносабат ҳақида кетаяпти. Америкада болага Шахсга қарагандек қараларкан. 12 ёшга кирган бола — мустақил фикр юритадиган, катталар билан бемалол баҳслаша оладиган, энг қизиғи — банкда ўз ҳисоб рақамига эга бўлган Шахс. Тўкин-сочинлик, арзончилик ўз йўлига. Ҳатто энг миллионер бойларнинг фарзандлари ҳам ўз мустақил ишларини деярли нолдан, мутлақо «қуп-қуруқ» жойда бошларканлар. Мабодо иш бошлаш учун дастлабки сармоя зарур бўлиб қолса, албатта ота-она, ака-опа ёхуд қариндошлардан қарз олиш табиий ҳол ҳисобланаркан. Маълум муддатга олинган қарзни белгиланган устамаси билан қайтариш фарз экан. Ота-онасининг пулини «еб кетиш» энди оёққа турайтган Америка фуқароси учун кечириб бўлмас ҳол ҳисобланаркан.

— Америка — бойлар ва ишбилармонлар мамлакати. Айтайлик, ўн олти яшар қизча чўнтагида уч доллар билан Чикагога кириб қолади ва орадан беш йил ўтар-ўтмас у миллионер кино ва эстрада юлдузи Мадоннага айланади. Ёки қарасангиз, ҳали инглиз тилини ҳам унчалик яхши билмайдиган ҳайдовчи Жан Клод Ван Дам бир «юмалаб» миллионер актёр. Хуллас, матбуотда ўқиган фактларимизни шу тахлитда давом эттиришимиз мумкин.

— Тўғри. Бундай юлдузлар Америкада кўп. Аммо ҳеч нарсага осонлик билан ҳеч жойда эришиб бўлмайди. Ҳатто Америкада. Ҳатто энг кичик ютуқ ортида ҳам меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат ётади. Америка халқи ишлаб чарчамайдиган фидойи кишиларга ўхшайди. Шу билан бирга улар яшашни биладиган инсонлар сифатида дам олишни, ҳордиқ чиқаришни ҳам ўринлатиб қўйишади.

Куни кеча «Туркистон» газетасида ўқиб қолдим. Водийда 14-15 яшар қизлар эрга берилаяпти экан, 16-17 яшар йигитчалар уйлантирилаяпти экан. Бу аввало мавжуд қонунчиликни кўпол равишда бузиш экани кўриниб турибди. Аммо масаланинг маънавий томонини? Ахир бу «келин-куёвлар» ҳали гўдак-ку! Масалан, Америкада аввало ҳар бир фуқаро оёққа туриб олишга, маълум сармояга, муқим бошпанага эга бўлишга ҳаракат қилади. Ана шундан сўнггина оила қурилади. Зеро оила — бу масъулият ҳам демакдир. Айниқса эр учун. Хотини у ёқда турсин, ҳали ўзини боқолмайдиган йигитчадан қандай эр чиқади ахир? Юради-да А. Қаҳҳорнинг қаҳрамонига ўхшаб «Дадам айтди...» деб...

Америкада кеч уйланишади, кеч эрга тегишади, кеч бола кўришади. У ерда илк бор эрга тегаётган 30 ёшли келинчак ҳеч кимни ажаблантирмайди. Худди шундай, биринчи бор уйланаётган 40 яшар эркак ҳам ғайри табиий кўринмайди.

Албатта, америкача турмуш тарзини бизга кўчириб қўя қолиш фикридан йироқман. Мен фақат ота-оналар фарзандларини уйли-жойли қилишга шошиларканлар, аввало тезроқ невара кўришни ёки орзу-ҳавасларни эмас, мана шу фарзандларининг келажаги ҳақида қайғурсалар соз бўларди, деган фикрдаман. Айниқса, биз астасекин ўтаётган бозор иқтисоди шароитида бундай қарашлар устиворлик касб этиб бориши керак деб ҳисоблайман.

— Бизнинг олдинги уқтиришлар бўйича Американинг туб халқи бўлмиш ҳиндулар, «резервацияларда» яшашади. Турли жойлардан келиб қолган турли миллат вакиллари эса аралаш-куралаш ҳолда, баайни Бобил минораси қурувчилари мисоли истиқомат қилишади...

— Ҳа, Америка — кўп миллатли мамлакат. Ҳатто бутун-бутун даҳаларни уларда истиқомат қилувчи миллат вакилларининг қайси бири кўплигига қараб ҳам номлашади — хитой даҳаси, арман даҳаси... Шунга қарамай, назаримда, барча америкаликлар учун хос бўлган ягона миллий руҳ бор.

Шунча кун Америкада юрдик. Бирон жойда шовқин-сурон, бақир-чақир эшитмадик, жамоат транспортларида тиқилинч йўқ, келиб тўхтаган автобусларга аввало хонимлар чиқади, сўнг одобли жаноблар. У ёқ-бу ёққа аланглайверсангиз ёки юзингизда ташвиш аломатлари зоҳир бўлиб қолса, биронбир хушмуомала америкалик мулойимлик билан сўрайди: «Жаноб (ёки хоним), проблема борми?..»

Биз кўплаб хонадонларда бўлдик. Деярли уларнинг барчасида давлат байроғи деворда ёки тўғридан-тўғри иш столида турганини кўрдик. Ватан байроғига бундай эҳтиром, ҳурмат ҳам миллий руҳнинг намоён бўлиши эмасми?

Ҳар бир америка оиласи ўзининг аждодлари хусусида мукаммал маълумотга эга, улар оилавий анъаналарни муқаддас билиб, кўз қорачиғларидек асрашади. Мана шунинг ўзи ҳам одам ҳавас қиладиган даражадаги миллий руҳ эмасми?

— Виржиния штатида туркистонликлар ҳам бор эканми?

— Албатта. Биз улар билан учрашиб, суҳбатлашдик. Ватандошларимизнинг ҳаммаси Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришларни диққат билан кузатишмоқда экан. Айниқса иқтисод борасида эришган ютуқларимиз уларни мамнун этмоқда.

Ватандошларимиз Ўзбекистонда бир қатор қўшма корхоналар қуриш ниятида эканлар. Менинг ўзим ҳам Стюарт хоним билан юртимизда мебел ва гулқоғоз чиқарадиган қўшма корхона қуриш хусусида келишиб олдим.

Америка — сеҳрли диёр. Ҳар қадамда ақлингизни шошириб қўядиган ёки беғубор ҳавас уйғотадиган бирон ҳодисага дуч келасиз. Аммо шунга қарамай, сафар якунланмасдан туриб Ўзбекистонни жуда соғиндим. Шаксиз, биз ҳали тараққиётда АҚШ даражасига етолмаганмиз. Барибир, Ватан бу — Ватан-да. Ўзбекистон деган маҳалингиз, айниқса хорижда юрагингиз жизиллаб кетади. Тезроқ унинг бағрига қайтсам дейсиз... Унинг ташвишқувончларига шерик бўлсам, келажакда Америкадан-да ўтадиган давлат бўлиб етмоғи учун имконимда неки бор — барини ишга солсам, дейсиз...

Гулчеҳра МУРОДАЛИЕВА суҳбатлашди.

Эл кўзидаги инсонлар

БИЗ ВАҚТНИ ҲАР КУНИ ҚЎЛГА ОЛАМИЗ

УСТОЗ ИБРАТИ

Она юртимиз мустақиллиги учун кураш тарихини ўрганишда миллий ҳужжатли кино намуналари алоҳида аҳамият касб этади. Улар давр ҳужжатлари, замон йўналишлари ва нафасини мужассамлаштиради, авлодларга — келажак эгаларига кўргазмали дарслик вазифасини ўтайди.

Жаҳон ҳужжатли киноси йирик намоёндаларидан, экран санъатимиз оқсоқоли Малик Қаюмовнинг таъбири ва таърифича, «Киноҳужжатчи учун вақт алоҳида мазмунга эга: кинокадрларга муҳрланган вақт бизнинг монтаж столимизда ётади. Биз уни ҳар куни қўлга оламиз. Кадрларни қандай жойлаштирмайлик, нима ҳақида ҳикоя қилмайлик, аслида вақт ҳақида ҳикоя қиламиз. Чунки хрониканинг ҳар бир кадри аниқ жуғрофий кун, йил, ўн йиллик билан бирга аср, давр қиссасини ҳам ўзида мужассамлантиради».

М. Қаюмов турк актрисаси билан. 1968 йил.

Экран санъатимизнинг босиб ўтган йўли, кино йўналишлари билан узвий боғланган ижодкорнинг ҳаёти саҳифалари, кўрганкечирганлари, машаққатли ижод сўқмоқлари, ҳали юрилмаган йўллардаги кашфиёт ва янгиликлари, санъати табиати ва хусусиятлари кўп жиҳатдан сабоқли сўзларида ифодаланган:

«Мени эрта 5 да туришга, камерани шай тутишга, ҳамма нарсани билишга, ҳар қандай оғир ишдан бўйин товламасликка ўрганган ўзбек хроникаси қалдирғочларига раҳматлар айтаман.

.... Ҳозир ҳам темир жадвалга амал қилганим ҳолда яшайман. Бу ҳол мени ортиқча вазндан халос этади. Ялқовликка берилмасдан ишчан вазиятда сақлайди».

«Ҳаётимда, умуман ижтимоий фаолиятимда кўп ҳодисалар бўлган. Икки марта сувга чўкканман. Тўғонни тасвирга тушираётганимда, ковшдан устимга харсанг тошлар ёғилган. Камерам мажақланган-ку, лекин негадир омон қолганман. Самолёт ҳалокатида ўлим ёқасида эдим. Самолёт парчаланганлигига қарамасдан бир неча йўловчи тирик қолган. Ҳиндистонда бешовлон хушчақчақ бораётганимизда биз тушган машинага кутилмаганда мотоцикл келиб урилди. Тўқнашув натижасида уч киши кўз олдимда ҳалок бўлди. Қарангки, кучли зарб мени кабинадан улоқтириб юборди. Шукурлар бўлсинким, мени худо асради».

***

1936 йилда Эски шаҳардаги маданият ва истироҳат боғида халқ сайли ўтказилди. Ана шу воқеага бағишланган тасма муаллифи — оператор М. Қаюмовнинг дастлабки мустақил ижод намунаси эди. Агар тасма сақланганида эндиликда Абдулла Қодирий номидаги боғнинг кинойилномаси, шунингдек, маданиятимиз жонкуярлари ва меҳнат қаҳрамонларининг ажойиб портретлари билан танишган бўлардик.

Республика тўнғич корхонасининг дастлабки одимлари, маҳаллий ишчи-тўқимачиларнинг меҳнат кундаликларидан репортаж намунаси «Тўқимачилар комбинати» (1938 йил) муаллиф — оператор М. Қаюмовга шуҳрат келтирди: Ню-Йорк халқаро кўргазмасида олтин медал билан тақдирланди.

Режиссёрнинг «Санъатга бахшида умр» филмидан лавҳа.

1939 йил апрелида халқ ташаббуси билан Катта Фарғона каналини қуришга киришилди. Бош оператор Малик ижодий ишларда бошқош бўлди. 45 кун давомида қурилиш жараёнида тиним билмасдан меҳнат суронини камера билан изчил кузатди, ҳатто самолётдан бир неча бор съёмка ўтказди, кино эпопеяси яратилди.

Уруш арафасида М. Қаюмов бошчилигида бир гуруҳ киноҳужжатчилар Самарқандда, Темур ва темурийлар хилхонасини очиш ҳукумат илмий экспедицияси ишлари ҳақида бир неча минг метрдан иборат кино материалини қўлга киритиб, бу материаллар замирида илмий-оммабоп киномиз пойдеворига тамал тоши қўйилган эди. Кейинчалик ноёб манбадан қисман фойдаланилган ҳолда тарихий мавзудаги бир неча ҳужжатли, илмий-оммабоп кино намуналари ҳаётга йўлланма олгандир.

Қисқа муддатда Самарқанд Регистонидаги Ватанга қасамёд, Ўзбек дивизиясини фронтга узатиш дақиқалари, ҳарбий командирлар тайёрлайдиган олийгоҳ кундаликлари ҳозиржавоблик билан яратилди ва экранга чиқди.

***

65 йиллик баракали ижоди давомида режиссёр-оператор М. Қаюмов адабиёт ва санъатимизнинг йирик намоёндалари образларига бир неча бор мурожаат этди. Унинг «Устод Алишер Навоий», «Инсониятнинг беш қўли», «Хазинанинг қайтарилиши», «Санъатга бахшида умр», «Ўрол Тансиқбоев», «Ота, фарзанд, невара» каби тўла ва қисқа ҳажмли асарлари ҳануз ўз қимматини йўқотмагандир.

Москва Марказий Давлат Адабиёт ва санъат архивидаги Бош кинохроника материаллари орасида Калинин фронти киногуруҳи Б. Небилицкий, М. Қаюмов, А. Сёмин суратга олган «Икки панфиловчига қаҳрамонлик нишонларини топшириш», «Ржев ғарбидаги жанг эпизодлари» таҳлили матнлари сақлангандир.

Кўп ўтмай ҳарбий кинооператор М. Қаюмов Калинин области яқинидаги Белий шаҳрида катта болдир суягидан оғир жароҳатланди. Ҳарбий госпиталда уч ярим ой даволаниб чиққач, аввалига Болтиқбўйи, сўнгра Белоруссия фронтлари киногуруҳларида ўз фаолиятини давом эттирди. 1943 йилда Минск яқинида иккинчи марта яраланди. Москвадаги ҳарбий госпиталда 11 ой ва 27 кун ётди. Фронтдаги ва уруш йилларидаги жасорати ва жанговар хизматлари учун М. Қаюмов Биринчи ва Иккинчи даражали Ватан уруши, Жанговар Қизил Байроқ, Қизил Юлдуз нишонлари билан мукофотланган.

Урушдан кейин М. Қаюмов Фарҳод ГЭС қурилиши, Мирзачўл, республика тўнғич металлургия заводининг ишга туширилиши каби барча муҳим воқеалар ўртасида бўлди, кинорепортажлар яратди. Аброр Ҳидоятов, Галия Измайлова каби санъаткорларнинг юксак ижрочилик маҳоратини кинотасвирга кўчирди. Ҳужжатли киночи Э. Шуб М. Қаюмовнинг «Раққоса Галия Измайлова» асари ҳақида бундай деб ёзган: «Галия Измайлованинг мимика ва қўл ҳаракатларини оператор ниҳоятда нозик дид билан суратга ола билган. Натижада «Чевар қиз» рақсининг бутун жозибаси ва мазмуни томошабинга бекаму-кўст етказилди».

50-йилларнинг иккинчи ярмидан умуман ҳужжатли кинода, хусусан режиссёр-оператор М. Қаюмов ижодида туб бурилишлар юз берди. 1956 йилда М. Қаюмов беш оператордан бири бўлиб «Ҳиндистон тонги» деган тўла ҳажмли, рангли, ҳужжатли-публицистик филм устида кенг кўламда ижодий иш олиб борди. Роман Кармен билан ҳамкорлик қилди.

«Ўзбекистонимизга келинг» (1957-1958 йиллар, сценарий муаллифлари Ю. Каравкин, С. Муҳамедов, режиссёр М. Қаюмов) ҳужжатли-поэтик публицистик филми экран санъатимизда янги даврни бошлаб берди. Узоқ йиллар давомида ҳукмрон бўлган обзор-филм шаклидан воз кечилди. Филм бир неча киноновелла замирида суратга олинди. Халқ санъатига бағишланган новелладаги аскиячиларнинг айтишув-пайров эпизодлари миллионлаб юртдошлар томонидан юқори баҳоланди. Халқ санъати мавзуси кейинчалик ҳам изчил давом эттирилди. «Аския»да (1964) янги мазмун билан бойитилди.

60-йилларда М. Қаюмов, А. Ҳамроев, Н. Атоуллаева, Д. Салимов, Т. Нодиров, Т. Рўзиев, Н. Азимов, Т. Бобожонов, Ю. Каравкин, В. Горохов, Г. Димов билан ҳамкорлик қилди ва «Баҳордан баҳоргача» (1963 йил), «Салом Баҳор» (1963 йил), «Тожихон билан учрашувлар» (1964 йил), «13 қалдирғоч» (1965 йил) каби ўз драматургияси, жанр хусусиятлари, ифода воситаларига кўра янги бир олам бўлмиш асарларни бунёд этди.

Хотира — филмлар яратишда М. Қаюмов юксак маҳорат чўққиларини эгаллади. Неча ўн йиллик тарихий факт ва воқеаларни ихчам ва лўнда тасвирлади. Унинг «Канал» (1967 йил) ва «Паранжи» (1977 йил) асарлари кино тарихимиз учун қимматли ёдгорлик бўлиб қолди. «Паранжи» Лейпциг кинофестивалида «Олтин кабутар» мукофотини қўлга киритди.

М. Қаюмов сиёсий кинопублицистика соҳасида ҳам кўп ишлади. Осиё ва Африка ёзувчилари ҳамкорлиги ҳаракатига бағишланган «Инсониятнинг беш қўли» (1958 йил), шу ҳамкорлик ҳаракатининг 25 йиллигига бағишланган «Қитъалар овози» (1983 йил), «Тинчлик ва дўстлик кинофестивали» (1958 йил), «Тошкент — тинчлик шаҳри» (1966 йил) филмлари шуҳрат қозонди. Булар замирида М. Қаюмов ташаббуси, ижодий изланишлари ва маҳорати ётади. Кейинги ўн йиллар мобайнида хорижий Шарқ мавзуси М. Қаюмов ижодида катта ўрин тутди. «Ҳиндиқуш оша йўл» (1964 йил), «Ҳирот — Қандаҳор» (1965 йил), «Тоғлар ва афсоналар мамлакати» (1966 йил), «Афғонистон». «Инқилоб давом этади» (1981 йил) филмларида ўша давр талаблари, мафкуравий йўналишларига амал қилди.

«Ҳиндистон тонги», «Икки кўча», айниқса, «Олтин Бенгалия» филмларида қардошлик туйғулари бўртиб туради.

«Олтин Бенгалия» филмда Рабиндранат Тагордан кейинги энг йирик бенгал шоири Қози Назрул Ислом, йирик рассом, мамлакат Бадиий Академияси президенти Зайнул Обиддин, машҳур балетмейстер Гавҳар Жамол, раққос ва раққосалар Кажал Маҳмуд, Онжуна Шоҳ, таниқли шоира Бегим София Камол, таниқли кинорежиссёрлар ва артистлар, анъанавий Тошкент халқаро киноанжумани қатнашчилари Азиз Мехер, Сучандра Райҳон, Бобитта ва бошқалар билан танишамиз, халқ амалий санъати намуналари, миллий рақслари, жумладан чой терувчилар, илон ўргатувчилар, балиқчилар рақслари бутун жозибаси ва ҳарорати билан кадрларга муҳралангандир.

Болгариялик киношунос, Сарбонна университети фахрий доктори Азиз Жалилнинг таъкидлашича, жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларида М. Қаюмов томонидан суратга олинган филмларнинг фазилатлари шундаки, улар ер куррамизнинг оловли нуқталарида, «вулқонли шароитларда» ҳаётга йўлланма олгандир... Ҳозирги замон жаҳон ҳужжатли киносини Қаюмов ҳужжатли кино намуналарисиз тасаввур этиб бўлмайди.

У ўз камераси, ижод намуналари билан миллионлаб кинотомошабинларнинг жаҳонга таниқли киномутахассисларнинг қалбларини забт этди.

Даврга ҳамнафас, ҳужжатли филмлар киностудияси бадиий раҳбари, режиссёр М. Қаюмов 1985 йил бошида режиссёр Х. Жўраев, 8 оператор билан ҳамкорликда республикамизнинг 8 чорвачилик вилоятидаги кўзбўямачилик, қоғозбозлик, қаровсизлик, порахўрлик каби аянчли ҳолатга қарши ўтли айбнома бўлмиш «Мулоҳаза учун маълумотлар» деб аталган, 8 қисмли памфлет-филм ишлашга журъат этди.

Яхшидан боғ қолади, деб бежиз айтилмаган. М. Қаюмовнинг ташаббуси, ташкилотчилик — бунёдкорлик фазилатлари туфайли 1960 йилда ҳужжатли киномизнинг мустаҳкам базаси, замонавий техника, ускуна-жиҳозлар билан таъминланган, кинолабораториясига эга Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли филмлар киностудияси ишга туширилди. Ўшандан буён яқин йилларгача йилига ўрта ҳисобда 60 номдаги ҳужжатли, илмий-оммабоп, ўқув филмлари ишлаб чиқарилди.

Кейинчалик Ўзбекистон Киночилар уйи, Дўрмондаги Киночилар ижодий уйи мажмуалари қад кўтарди. Улар экран санъатимизнинг янада равнақи йўлида тарғиботташвиқот, маънавий озиқланиш ва дам олиш марказлари бўлиб хизмат қилмоқдалар.

М. Қаюмовнинг «Ўзбекистонимизга келинг» филмидан лавҳа.

Устоз обрўйи шогирдларининг сон-салмоғи билан ўлчанади, деган эди шоир Ғафур Ғулом. Ҳақиқатан, киноҳужжатчи режиссёр, операторлар Т. Нодиров, Д. Салимов, Т. Бобожонов, Т. Рўзиев, Н. Азимов, Т. Каипов, О. Каримов, Б. Мамажонов, С. Давлатов, Х. Жўраев, Ш. Маҳмудов, Ш. Шомаҳмуд, Қ. Ҳасанов, Ш. Мақсудов, Ш. Қурбонбоев, Э. Шоюнусов камолотида, ҳужжатли киномиз тарихидан муносиб ўрин эгаллаганликларида устознинг хизматлари каттадир. Бадиий киномизнинг намоёндалари Л. Файзиев, А. Ҳамроев, Э. Эшмуҳамедов, А. Қобулов, У. Назаров, Ҳотам Файзиев, Ҳабибулла Файзиев, Ю. Собитов, А. Акбарҳўжаев, Ж. Исҳоқов ва бошқалар М. Қаюмов йўл-йўриқлари туфайли ҳужжатли кино соҳасида ҳам баракали ижодий иш олиб бордилар.

Халқимизнинг муносиб фарзанди, атоқли санъаткор 83 баҳорида, ижод ва бунёдкорлик йўлида халқим деб, элим деб, ўз ишига фидойилик билан ёниб яшамоқда.

Абдуборий ҲАСАНОВ, киношунос

АНДИЖОН ЙЎЛЛАРИДА

Боши биринчи бетда.

ўзи кул тортишни ўрганаяпти! Буям-миллатимиз тикланаётганидан бир нишона-да!

Одамлар сезгир. Айниқса кўринишдан содда туюлган деҳқонлар яхшилик билан қувликнинг фарқига тез етишади. Бундан беш — ўн йиллар муқаддам «Халқимиз далада қолди» деб, зиёлилар куйинган кезларда қишлоқ аҳли асосан пахтазордан чиқиб кетган эди. Катта, ўрта ёшлилар кафтдеккина томорқасида айланишар, аёлларнинг ҳилваларидан полвонойларигача уй ишларидан ортмасди. Пайкалларда фақат раҳбарлару мактаб ўқувчилари уймалашар эдилар...

Шаҳардан чиқиб, вилоят далаларини айландим. Узоқ-яқин қишлоқларда кўтаринки руҳ сездим. У ерларда яшовчи таниш-нотаниш хонадонларга борганда, ораста ҳовлиларда навдасида базўр турган беҳилару ишкомлар тўла узумлардан бошқа мезбон учратмадим. Ҳамма далада. Қимирлаган жонки — пахтазорга чиқиб кетган. Ҳа, бу йил пахтазорларда ҳақиқий ихтиёрий — эркин меҳнат нашидасини туйдим. Балки шунинг учун ҳам Андижоннинг салобатли 310 минг тонналик «оқ олтин» хирмони асосан чевар қўллар ижоди бўлди! Назаримда, далаларда гуриллаган пахта териш машиналари шунчаки занглаб қолмаслиги учун пайкалларга чиқарилганга ўхшайверди... Чунки Андижонда халқ — кўп. Иш кучи етарли, чевар теримчилар 7-8 тоннадан хирмон уйганда, ўртача ишлаган оддий теримчи қизлар 4-5 тоннаданни кўрдим демайдилар! Вилоят бўйича ҳосилдорлик ўртача 28,2 центнерданни ташкил этди. Лекин ҳужаликларнинг кўпчилигида ғўзалар гектарига 45-50 центнердан «оқ олтин» тутди! Рақамлар кўп. Кўрсаткичларнинг биридан бири пахтакорлар учун азиз. Лекин уларнинг ҳаммасини санаб ўтишга иштиёқманд эмасман. Чунки санасам, ҳаммасини санашим шарт. Миришкорлардан беш-ўн кишининг номларини айтадиган бўлсам, пахтазорларга уйлари туташларини ҳам, йўллари туташларини ҳам, кафтларида ғўзалар ундирганларнинг ҳам, тафтларида ҳосил дўндирганларнинг ҳам муборак номларини бирма-бир айтиб ўтишга бурчлиман. Зеро, Андижоннинг чўнг хирмонида вилоят ҳокимидан тортиб садоқатли шифокорларгача, ҳосилотлардан тортиб илмий ходимларгача — ҳаммаси бевосита ёки билвосита ҳиссалари бор. Кўнгилхонлик бўлмасин учун гапни мухтасар қилиб, яна бир карра «Ҳорманг, азиз андижонликларим! Пешона терларингизни она-тупроқ ҳамиша гавҳарларга айлантираверсин! Омборингиз бордонбордон донларга, саватингиз ширмон, ёғлиқ нонларга тўлаверсин! Сиз, азиз деҳқонларимиз, меҳнатларидан юртга келадиган бараканинг ҳузурбахш шарофати кўп қатори менинг ҳам рўзгоримга қўнсин!

...Бу ёғи қизиқ бўлди: ғалаба базмингизда четдан келиб дуо қилгувчи кайвонига ўхшаб кетдим-ми? Азбаройи севинганимдан кўнглим юмшаб, тилларимдан дуолар ўгирилди — маъзур тутинг! Аслида, камина сизга бегона эмаслигини биласиз. Бу йилги терим мавсуми бошларидаёқ меҳнат таътилимни олиб, ёнингизга ёндошганлигимнинг гувоҳи бўлдингиз. Теримга тушган чоғдан ғалаба рапортини ёзган вақтингизгача бўлган ўттиз куннинг 25 кеча-кундузида мен ҳам сафингизда бўлганлигимни, хирмонингизга камина ҳам бир ҳовуч дур қўшганлигини балки сезмай ҳам қолгандирсиз. Аҳолиси зич, заҳира экин майдонлари йўқ Андижонимда ҳосилдорлик янада ортишини истаб шу йилнинг баҳорида пойтахтдаги «Истиқболли тадқиқотлар ва инновация» илмгоҳида яратилган «Истиқбол» технологиясини Андижон ва Бўз туманларидаги икки хўжалик деҳқонларига армуғон этгандим. Экологик жиҳатдан мутлақо безарар бу технология воситалари пахтазорларда синаб кўрилди. Деҳқонлар, мутахассислар айтишди, ўзим ҳам кўрдим: натижаси — суюнчиликка лойиқ! Лекин у ҳақда бонг урушга эрта! Насиб этса, бу ҳақда келажакда деҳқонларнинг ўзлари айтишар.

Бу не юзи ёруғлигким, режани бажариб, пойтахтга ғалаба рапортини олиб келгувчи ғолиблар тушган автобусда Тошкентга музаффар қайтдим. Шул сабаб, андижонлик пахтакорлар шаънига бир СУЗ айтдим».

Мукаррама МУРОД қизи

Хотин-қизлар журналининг 70 йиллиги олдидан

«САОДАТ» — МЕҲМОНИМИЗ

Йиллар кунларнинг залворли юкини неварасини опичлаб олган момодек кўтариб ортда қолаверади. Йилларнинг ёшига ёш қўшилаверади, қўшилаверади. Аммо йиллар қаримайди, йиллар ўзгармайди. Замонлар ўзгаради, янги-янги воқеалар юз бераверади. Мана, шу йиллар оқимида суза-суза «Саодат» етмиш ёшга тўлибди (Декабр ойида унинг юбилей тўйи бўлади). Қани энди имконингиз бўлсаю унинг етмиш йиллик тахламларига бир кўз ташлаб чиқсангиз. Таниш, қадрдон саҳифаларини ўқиб кўнглингиздаги чанқоқлик қонса. «Саодат»нинг ҳам қаримаганига, саҳифаларидаги сўзлар қудрати, фикрлар салоҳияти сусаймаганига амин бўласиз. Қоронғу хонада ўтирган кишининг кўзига ҳеч нарса ташланмайди. Унинг юрагида бироз қўрқув бўлади. Мабодо шу хонада чироқ ёқиб қўйсангиз-чи, энди ҳамма нарса ўша одам кўзига яққол кўринади. Кўнглидаги ҳадик йўқолади. Ёруғлик шунчалар яхши. Журнал ҳам ёруғлик.

Азиз ўқувчиларга «Саодат»нинг 5-сонида чоп этилган ҳикоя, шеър, мақолалардан ҳавола этяапмиз.

УМРИМИЗНИНГ ЯНГИ ФАСЛИ—ИСТИҚЛОЛ

— Биз иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланишни маънавий ўнглаш, маънавий покланиш, маънавий юксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлишини истаймиз.

Ислом КАРИМОВ

...Йўловчи айтди: — Уруш бошланган кезлари бобом уч ўглини жўнатиб, сўнг ўзлари урушга кетган. Тўнғич ўғил кетаётганида ҳали чилласи ҳам чиқмаган куёв экан. Кейин набира туғилди. Ўша — менман. Бирин-кетин фарзандларидан, сўнг эридан «қорахат» келгач, энам бир ойича тилдан қолган. Кейинчалик оллоҳнинг иноятн билан сиҳат топган. Гоҳо-гоҳо укиниб: «Болаларимнинг умрини ҳам худойим менга қўшиб берганми дейман, фарзанд доғини тортатортга ичим сидирилиб кетгану бунчалар узоқ яшадим-а...» дердилар. Энам юз билан юзлашиб яқинда дунёдан ўтди...

Эшитгувчилар қўллари билан юз сийпалашди: «Гўрлари нурга тўлсин, илоҳим!»

Замондошим! Урушнинг бутун даҳшатини биз ҳикоялардан, тасвирлардан билардик, холос. Лекин, уруш бизнинг кунларимизда ҳам бўлди. Не-не навқирон йигитларимиз хоки қўшни афғон тупроғида қолиб кетди. Қўл чўзса етгудек яқин ерларда — қўшни элларда ҳам уруш кетаётибди. Минг шукурким, СЕН билан МЕН Ватанда осойиштамиз. Шу тинч кунларимизни эъзозлаб яшайлик, уни нон қадар муқаддас билайлик. Тинчликни олқишлайлик.

Карвон ҳамон кетиб боради. Узун-узун йўллар ҳам, тош-тақир чўллар ҳам, оғир-оғир йиллар ҳам карвон изида қолди.

ХХХ

Бешинчи йўловчи дейди: — Қадимда, биз яшаган тупроқда бир достончи чол ўтган. У кечалари қишлоқ ўртасида катта гулхан ёқтириб, атрофига одамларни йиғар, кўзларини юмганча тун ярмига қадар думбира чалиб қуйларкан. Одамлар гулханга тикилганича берилиб достон эшитишаркан. Уша чол ҳар гал одамларга:

— Сизлар ҳам эшитганларингни болаларингга суйлаб берінглар, болаларинг ҳам вақти келиб ўз болаларига суйлаб беришсин, — деб уқтираркан.

Шундай достонлардан бирини болалигимда отам менга айтиб берган. Отамга бобом айтиб берган экан.

Узоқ замонларда бир чўпон йигит билан бир сулув қиз севишиб, аҳду паймон қилишибди. Йигит тоғу тошдан гиёҳ йиғиб, қишлоқ аҳлини даволар, бу ерларнинг сиру синоатини яхши биларкан. Шу тогдаги хазинага кўз тикиб юрган душман чўпон йигитдан фойдаланмоқчи бўпти. Улар қиз билан йигитни висол пайтида қўлга туширишибди.

— Агар хазинага йўл кўрсатсанг, икковингни ҳам озод қиламиз, агар рози бўлмасанг, сени ўлдирамиз, қишлоғингга ўт қўйиб, севгилингни олиб кетамиз, — дейишибди.

— Қишлоқни ҳам, қизни ҳам сенга бермайман. Осонликча ўлдиролмайсан мени, — деб йигит бир ҳамлада душманни ярадор қилибди.

Душман кўзи қонга тўлиб, қилич ялангочлабди. Шунда қиз ҳийла ишлатибди.

— Уни ўз ҳолига қўй, мен сенга йўл кўрсатаман, — дея ёғийга шивирлабди.

Сўнг ерда беҳуш ётган йигитга узоқ термулибди. Кўзларига ёш тўлибди. Ич-ичидан «алвидо» депти. У душманни хазина томон эмас, тоғ чеккасидаги «Ажал ғори»га бошлабди...

Эшиттувчилар деди: — Ажаб ҳикоят экан. Аждодларимиз нечоғлик мард ва зукко бўлишган. Улар ўз юртларига ўта садоқатли эдилар!

СЕН билан МЕН ойнинг ёруғида достонлар эшитмоқ лаззатидан бебаҳра ўсдик. «Широқ» ва «Тўмарис»ни бехато айтиб берамизу аммо Бўтакўз ва Зулфизарнинг, Интизор ва Ойзайнабнинг, Барчиной ва Гулихиромоннинг ким эканлигини аниқ билмаймиз. Ахир, улар бизнинг момоларимиз экан! Ҳар бирининг қаҳрамонлиги бир достончалик экан!

Биз китоб жовонларимизни бу кун достонларга тўлдириб ташлайлик. Улар чироқ бўлиб шуурларимизни ёритсин. Юрагимизда жасорат утини ёқсин. Маънавий ташналигимизни қондирсин. Сўнг улар жон билан, сут билан, меҳр билан гудакларимиз вужудига қўйилсин...

Йўлда бораётган карвон — мустақил Узбекистондир.

Етиб борар манзили — истиқбол, Келажакдир.

Замонлар ўзгаради, Йўловчилар Илмни ича-ича боради. Бардошни юта-юта боради. Ҳикматларга суяна-суяна боради. Руҳ осойиш топади. Шаффоф тус олади. Йўловчиларга қувват бахш этади. Қўлларидан тутиб олдга, фақат олдга етаклайди. Олдинда эса бир мунаввар тонг ёришмоқда!

Истиқбол тонги нақадар сеҳрбахш. У — умид. У — ишонч. Уни олқишлайлик. Ҳар тонг олдида ҳовучимизни қутлуғ дуоларга очайлик. Ва бундай сўзларни айтайлик: «Омон бул, Юртим, Истиқлолинг йули ёруғ бўлсин!»

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

Миржалол ҚОСИМОВ. 1970 йил Тошкентнинг Хумдонсой маҳалласида муҳандис Қўшоқбой Қосимов оиласида туғилди. Саккиз ёшидан «Олимпия ўринбосарлари» футбол мактабига қатнаган. Ўн етти ёшида Ўсмирлар ўртасидаги мусобақада Жаҳон, сўнгроқ Оврупа чемпиони бўлди. Ўтган йили Хиросимада бўлган XII Осиё футбол ўйинларида энг яхши ярим ҳимоячи сифатида тан олинди. Миржалол Қосимов футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг ярим ҳимоячиси.

Она ҳақида сўз

МИРЖАЛОЛНИНГ ОЙИСИ

Сизга ажойиб футболчи Миржалол Қосимовнинг онаси ҳақида ҳикоя қиламиз.

... — Миржалол бундан йигирма беш йил бурун кеч кузакда туғилди. Тўнғичим қиз эди. Аллоҳнинг номларидан бири деб, Мир Жалол қўйдилар қайнонам. Тўрт ёшда эди, чамаси. Бир куни адаси эркалаб «Полвон, сизга нима келтирай», деганларида «коптов» деди. Шу-шу дарвозахонада «тўп-тўп»да, қизим. Энди ёнига болалари Миркамол билан Моҳира ҳам қўшилган. Миржалолим меҳнат билан ўсди. Ҳовлининг ўчоғидан кириб, кулидан чиқди. Шунданми, одамнинг қадрини билади, раҳмдил. «Катта бўлсам, ишласам, дунёдаги энг чиройли кўйлакларни сизга олиб келаман» деб бувисини йиғлатганида Миржалолим тўққиз ёшда эди.

... — Болам ўйнаётган футболни телевизорда томоша қилолмаганим майли-я, бунинг устига бир жойда ўтирмай қутидай ҳовлида йўл санайвераман. То Нозима қизим: «Ойижон, акамлар енгишди», демагунча тек туриш йўқ. Енгилишса, ҳовлида тиқ этган товуш чиқмайди. Телевизор Миржалолнинг йиқилганини, дўхтирлар уни кўтариб у ёқдан-бу ёққа елиб-югуришаётганини кўрсатса-чи... Вой, болам йиқилгунча мен йиқилай-а...

... — Болам дунёнинг қайси бурчагида бўлмасин ҳар куни қўнгироқ қилади. «Ойижон, адажон, мен саломатман». Шу гапни эшитиш учун ҳамма нарсадан воз кечишга тайёрман, — дейди ая.

Гулжаҳон МАРДОНОВА

Карим БАҲРИЕВ

ВАТАН ҳақида ўйлар

VIII асрга оид турк-руний битикларида Кул Тегин ёдгорлигида турк будунига (турк халқига) хитобан ёзилган: «Эй, турк халқи, фақат қабилаларнинг доимий иттифоқини тузгандагина сен яшаб қола оласан.

Мен турк халқини бирлаштириб, қабилалар иттифоқини қандай тузмоғингиз кераклигини билдириб, бу ёзувни битдим».

Қуш учаётиб қанотининг ифори ҳақида ўйламас. Унинг қийғир кўзлари олисларга чоғланар.

Оқаётган шаффоф сув ўз шилдирашига маҳлиё бўлмагай, ялангочлик қадар тиниқлигидан тортинмагай.

Қаршимизда қиррадор чўққиларнинг, тоғнинг бизни босаётган салобати унинг ўзини босмас...

Ватан хаёли ҳам шунга ўхшайди.

Ҳар қандай ташбеҳ ҳам эскиради, дейдилар. Тўғри, ҳамма нарса нисбийдир. Полвон қўлида беш юз килолик тош беш килодай енгил ўйнайди, аммо қабр устига қўйилган беш килолик тош — қабртоши ўн баробар, юз баробар оғир, залворлидир.

Ватан туйғуси ва қайғуси ҳам шундайдир.

Балиқни сувдан чиқариб энг гўзал гулзорга қўйсангиз ҳам, яшай олмайди. Сув унинг ҳаёт манбаидир. Мен бу қиёсларни Ватан ҳақида мулоҳаза қилаётиб, хаёлимга келтирмоқдаман. Зеро, Ватан инсон учун сув, ҳаво, тупроқ, ҳарорат каби ҳаётбахш хилқатдир. Айтиш жойзки, бу унсурлардан-да буюқдир. Мовий Австралияда, зангори Олмонияда, хушҳазо Истанбулда ҳам ўзбеклар кўп. Аммо, улар ҳам «Туркистон» деганда кўзда ёш билан эслайдилар, йиғлаб талпинадилар. Бегона юртларнинг ҳавоси, сув, тупроғи, қуёши ҳам уларни бахтли қиролмайди. Бинобарин, Ватан улардан да юксакдир.

Касаба уюшмасининг ҳимояти билан баҳаво оромгоҳга саёҳатга борган ўзбек деҳқони беш-ўн кун ўтгач, зерика бошлайди, ҳузурбахш сояда туриб юртнинг жазирама офтобини қўмсайди. Қайтиб келгач, бола-чақаси қатори боғу томорқаси, току ишкомлари билан ҳам сўрашади, кетмонининг дастасини ҳам сийпалайди.

Қуш уча туриб қанотини эсламагандай, сув оқаётганда шилдирашидан қувонмагани каби биз кўпинча яшаётган юртимиз ҳақида ўйлаб ўтирмаймиз, яъни: «Шу бир жой-да, пешона экан, туғилдик, яшаяпмиз, бир куни ўтиб кетамиз», — деб кўя қоламиз. Ватан қадрини ундан олисда юрганлар билади, эрк қадрини эрксизлар англайди. Ҳаёт мантиғи шундай экан.

Ватан... Бу муқаддас тушунча — юртимиз мустақиллиги замонида — ўз аслига қайтмоқда.

Шўроларнинг мустамлакачи тузуми «Ватан» сўзини юраклардан юлиб, бинолар пештоқига илинадиган ташвиқий шиорга айлантиришга уринди. Социализм ўзининг тор манфаатларини «Ватан хоини», «Халқ душмани», деб атади. Ҳолбуки, Ватан ва ундаги мавжуд тузум бошқа-бошқа нарсалардир. Ватанни севмаслик мумкин эмас, аммо ундаги тартиб ва тартибсизликларни севмаслик, муқокама, мулоҳаза қилиш, ўзгартириш мумкин. Ўтган асрда ҳокимият «ақлдан озган» деб қамаган файласуф: «Мен юртимни тафтиш қиламан, чунки мен юртимни севаман, уни комил кўрмоқ истайман» — деган экан.

Бугун биз Ватанимизни мустақил этиш баробарида Ватан ҳиссини ҳам ясама баландпарвозликдан поклашимиз лозим.

Ватан билан нозик руҳ ипларимиз боғлаб турган буюк маъволар Тил, Тарих, Тафаккур ришталаридир.

Биз болаларимизда Ватанни беғараз севмоқ ҳиссини тарбиялашимиз керак. Шубҳасиз, тақдир ва табиат бизга буюк толе берган;

серҳосил еримиз, асов дараёларимиз, салобатли тоғларимиз, баракали конларимиз, жаннатий боғларимиз бор. Оллоҳ бандаларига ризқ улашаётиб, бизнинг халқимизга келганда қўшқўллаб тутган. Унга шукурлар бўлсин! Аммо биз юртимизда сув кам бўлса, мевалар пишмаса, конлардан тиллолар чиқмаса ҳам уни, Абдулла ака айтганларидай, камроқ севмас эдик. Зеро, бизнинг муқаддас юртимизга бўлган муҳаббатимиз унинг бизга берадиган емаклари, бойлиги туфайли эмасдир. Қолаверса, бу нодир қимматларни асрамоқ, авайламоқ лозим, уларга очкўзларча муносабатда бўлмоқ хатарлидир. Бу ҳосилдор ерни, нима эксанг ҳалқимизга келганда қўшқўллаб тутган. Унга шукурлар бўлсин! Аммо биз юртимизда сув кам бўлса, мевалар пишмаса, конлардан тиллолар чиқмаса ҳам уни, Абдулла ака айтганларидай, камроқ севмас эдик. Зеро, бизнинг муқаддас юртимизга бўлган муҳаббатимиз унинг бизга берадиган емаклари, бойлиги туфайли эмасдир. Қолаверса, бу нодир қимматларни асрамоқ, авайламоқ лозим, уларга очкўзларча муносабатда бўлмоқ хатарлидир. Бу ҳосилдор ерни, нима эксак кўкарар экан деб, тинимсиз эзиб сўриш, жонини олиш шарт эмас. Конлардаги маъданларда келадиган фарзандлар, невара, эвара, чевараларнинг ҳам насибаси бор. Донишманд индусларнинг улуғ ҳикматини эслайлик: «Биз заминни аждодлардан — боболардан мерос олганмиз йўқ, келгуси авлодлардан қарз олганмиз...»

«Ватан — ҳаммамизники!» — дейдилар юртбошимиз Ислом Каримов. Ҳақ гап! Илло, ҳаммамизнинг бу Ватанга бўлган ҳуқуқимиз ҳам тенгдир. Уни обод, элини озод, эркин кўрмоқ, шу йўлда ишламоқ, фикрламоқ, яшамоқ — ҳар биримизнинг ҳаёт тарзимиз ва бахтимиздир.

Ҳазратимиз Алишер Навоийнинг етти ёшидан етмиш ёшгача маълум бўлган рубоийсини ёдга олайлик:

Ғурбатда ғариб шодман бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикондек ошиён бўлмас эмиш...

Бу ўлмас сатрлар юрт мадҳида ва озодлиги тавсифида айтилгандир. Булбул нафақат ўзга юртда, ғурбатда, балким, ўз юртида ҳам «олтин қафас ичра» сайраши душвор. Улуғ устоз сатрларига ҳамоҳанг замондош шоирамиз сўзлари ҳам садо беради:

Юксакда қуйламак шунча яхшими,
Одамлардан кўпроқ қушлар қуйлайди.

Мустақилликка эришган давлатимиз бугун янада олдинроққа қадам қўйишга чоғланмоқда, суверенликка эришган мамлакат унда яшовчи ҳар бир инсон суверенлигини ҳам эътироф этади. Президентимиз бу ҳақда аниқ-равшан айтадилар: «Ўзимиз шунча йил зулм кўрганимиз етади. Энди бошқаларга зулм ўтказсак, ота-боболарнинг руҳларини безовта қилган бўламиз».

Ватан озод бўлган замонда унинг тарихини чуқур ўрганмоқ, боболар ва момоларнинг маънавий меросини англамоқ, фикрламоқ йўлида биз юртни ўз қалбимизда кашф этамиз. Ватаннинг манзили — кўнгилдир.

ТУРКИСТОН ОРЗУСИ

Баҳорни ҳаммадан олдин бойчечаклар ҳис этади. Худди шундай Истиқлол берган кенглик, эркинлик аввал Ёшликда сезилади.

Шаҳноза Одилхонова ана шундай ёшларимиздан — истиқлол чечакларимиздан бири.

Шаҳноза бу йил Тошкент Давлат университетининг филология факултетини тугатган.

***

Не кечса, бошингда кечгани аён,
Фарёд китобида саҳфалар бисёр.
Эй муборак замин, она Туркистон,
Ҳар тошингда қисмат ёзиғлари бор.

Тарихинг варақлаб, бағрингда урён
Кечган туғёнлар-ла уйғонар кўнгил.
Эрк деб жондан кечган мардларинг — бирён,
Ёвларинг макридан тўлғонар кўнгил.

Қирқ йил қуйган жалалари тиндими?
Унмай қолган буғдойлари ундими?
Кўз ёшимга кўнгиллари тўлдими,
Сени мендан айириб не топдилар?
Мен уларнинг қаторида бор эдим,
Мен уларга-қандай ишонар эдим,
Қаҳрагамас, муҳаббатга зор эдим,
Сени мендан айириб не топдилар?
Худойимга солдим барини, майли,
Йиғлаб шеърлар ёздим улар туфайли.
Балким Мажнун керакдир, балки Лайли,
Сени мендан айириб не топдилар?

Шаҳноза ОДИЛХОНОВА

Қаттол сиёсатнинг фирибгар қўли
Эртанги кунингдан очганида фол.
Асл эрларингга чанг солди ўлим,
«Туркистон қайғуси» — энг азоб хаёл.

Энди олис ёлғон куч берган овоз,
Сенга етмас унинг акс садоси,
Бугун кенг бағрингда янграган овоз
Бизнинг истиқболнинг баланд парвози.

Жасур қирғиз қизи Қурмон додхонинг
Ўғлонлари каби жон фидо этган,
Туркману қозоқнинг битган армони,
Чўлпонларинг бугун орзуга етган.

Тожикистон бугун машаққат аро
Ёруғ кунларига яшар умидвор.
Сенинг ўлмас руҳинг — бугуннинг руҳи,
Фарзандлар сўзида буюк меҳринг ёр.

Бу меҳр — шу қадим, азиз тупроққа,
Бу меҳр шу юртга, жонга туташган,
Унга фарзанд бўлган беш улуғ халққа,
Барчасининг қони қонга туташган!

Фароғат КАМОЛ

Неъмат АМИНОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Бир аср ривояти

Ман сизларга бир гап айтай. Шайтоннинг гапига кириб ҳе...ич худога шак келтирманглар. Шак келтирганлар, Шариф Нурхон раҳматли айтмоқчи, атеистларнинг анчасини кўрдик. Инқилобдан кейин энг кўп жавр кўрган қавм муллолар бўлди. У бадбахтларнинг қолган-қутган тирикларн Бухорони тарк этишди. Кўплари қочиб бошқа юртларда жон сақладилар. Айримлари соқолларини қириб, номларидан «Ҳўжа», «Сайид», «Мулло», «Худо» сўзларини ўчириб, қишлоқлардан макон топишди. Калхўзда ишлай десалар ҳаракат йўқ, оғир иш қилишмаган, ноилож кўнадўзлик, аравакашлик, ҳўкизбоқарлик қилишга мажбур бўлдилар.

Қирқ тўққизинчи йилларда калхўзда мулло Тойир деган бир улуғ зот бўларди, у ҳам юқоридаги муллолар тоифасидан эди. Фақат соқолларини қирмаган эдилар. Бир куни шу киши пахта ерига туташ йўлда калхўз ҳўкизларини ёйиб, китоб ўқиб ўтирарди. Тўсатдан лўккавойда райкумни биринчи котиби Эгамназаров деган чоржаҳил киши раис билан келиб, мошинадан тушди. Салом йўқ, алик йўқ «Ҳой, бобой, нима қилиб ўтирибсан?» — дейди сансираб. «Ҳеч нима, ҳўкиз боқиб ўтирибман, ота» — дейди мулло Тойир. Ўшанда каттадан кичик ҳамма раҳбарларни ота дейиш урф бўлган эди. «Ҳўкизларни пахтада боққани уялмайсанми?» — дейди дўқ уриб. «Худо шоҳид, пахтада боққаним йўқ, ота». «Бизда аниқ маълумот бор, пахтани душманисан, ёт унсурсан»» — дея чолни бир туртади, муллонинг қўлидаги китоб учиб кетади. Бу ҳам етмаганидек Эгамназаров жаҳл билан китобни ҳам тепиб юборади. «Ҳой-ҳой, китобни тепманг, тепсангиз, ана мани тепинг, ўртоқ Эгамназаров!» — дея фарёд чекиб, унинг оёғи остига ўзини ташлайди. Муллонинг важоҳатидан Эгамназаров бир сескангандек бўлиб, хум калласи қалтириб кетади. Сўнг ҳеч нима демасдан ўгирилиб машинасига аранг чиқиб олади-ю раисни ҳам қолдириб жўнайди! Худонинг қудратидан уйига қайтиб мошинасидан туша олмайди. Тўғри Шехжалолдаги область касалхонасига олиб борадилар. Орадан уч кун ўтгач райкўмнинг ўша лўккавойи мулло Тойирни олиб кетибди, деган овоза тарқалади. Кейинроқ эшитсак, мулло Тойирни Эгамназаров ёнига касалхонага олиб борибдилар. Эгамназаров оппоқ чойшабга ўралганча лаб-даҳани қийшайиб, қопқора чўйкаб ётган экан. У кишини кўриши билан инқиллаб каравотдан муллонинг оёқлари остига думалаб тушибди-ю: «Тавба қилдим... тепинг мани, мулло бобо, тепинг» — дея гулдирабди. Мулло Тойир: «Туринг ўрнингиздан, отам. Сиз мани тепмовдингиз, Худонинг каломини тепувдингиз, кечиримни мандан эмас, худода, сўранг» — дейди. Лекин Эгамназаров ўрнидан тура олмайди...

Бир умрга...

***

Неъмат, қайнотанг усто Шомуроднинг Саид Ахрорхўжа деган жўрасини билармидинг? Ҳа, ўша букригина, сергап чолни. Қайнатанг раҳматли уни «гуржи» дерди ҳазиллашиб. Жуда ғалати эди раҳматли. Ўша Саид Ахрорхўжанинг якка-ю ягона Достон деган етимча ўғли бўларди. Онаси болалигида ўлиб кетгани учун кўп эрка эди. Нима бўлганини яхши билсанг ҳам, такрор эшит, бошқалар ҳам эшитсин. Достоннинг таърифи отасининг оғзидан сира тушмасди: «Бугун Достонхўжа тарихдан беш олиб келдилар», «Достонхўжа Дорвонизм деган фанни домлаларидан ҳам яхши биларканлар», «Достонхўжа одам маймундан пайдо бўлган дейдилар», «Кеча Достонхўжа уч юз кишига маъруза қилибдилар» — дея ўғлини оғзидан бол томиб мақтарди. Алқисса, Достонхўжа институтни битириб қишлоқ мактабига ишга келади. Айтишларича, жуда маҳмадона экан. Тезда уни завўч қилиб қўядилар. Болалар тугул катталарга ҳам у: «мани Достон Асрорович денглар», деб уқтираркан. Тезда Достон Асроровичнинг довруғи ярим туманга таралади.

Якка ўғил эмасми, Саид Асрорхўжа уни узоқ Қоракўл районидан бир қизга унаштириб қўйди. Достон билан бирга ўқиган экан. Олсам ҳам шуни оламан, олмасам ҳам шуни оламан, дебди. Эсимда, бир даврада отаси, «Достонхўжа шоир бўладилар, уйқуларида ҳам шеър ўқиб чиқадилар», деб мақтанган эди... Бир куни тўйдан олдин Саид Асрорхўжа чолларни тўплаб мавлуд ўқитди. Мани ҳам айтувди. Достон отасининг ялиниб-ёлворишларига аранг кўниб, даврага чой-пой олиб кириб турарди. Раҳматли қори Ҳикмат худою пайғамбарлардан амри маъруф қила бошладилар. Шунда пойгакда қовоғини солиб ўтирган Достон радиодагидай гапириб, «Мулло бобо!» — деди. «Лаббай, Достонжон», — дедилар қори Ҳикмат. «Айтинг-чи, ўша таърифлаётган худонгиз эркакми, хотин?» Беписанд бу саволдан ҳамма ҳанг-манг бўлиб қолди. Қори Ҳикмат: «Билмайман, Достонжон, кўрганим йўқ, сизга кўрсатса, кейин биласиз» — деди синиқ овозда. Асрорхўжа ҳижолат чекиб «кечирасиз, мулло бобоси, энди Достонхўжа ҳали ёшлар-да», — деди. Лекин ҳафта ўтмай худо Достон Асроровичга кўрсатди. Ўнг оёғининг бош бармоғи оғриди. Қаратмаган табибу дўхтир қолмади. Жарроҳлар олти ой давомида бўғинбўғин то сонигача кесдилар...

Асрорхўжа ўғлининг таъзиясида «Кўзи очиқ кетган Достоним, мани кимга ташлаб кетдинг, хўжам! Зурёдсиз қолдим-ку, болам!» — дея паст овозда пиқпиқ йиғларди.

Чунки Достон фотиҳа қилинган қизига ҳам уйлана олмай кетган эди.

Орадан йил ўтмай Саид Асрорхўжа ҳам яккаю-ягона ўғлининг доғида оламдан ўтди.

Қулоқларингда бўлсин, болаларим, кимга осилсаларинг осилинглар-у, лекин яккаю-ягона худога осилманглар.

***

Қадим замонда дарёнинг нарёғида битта она лайлак бор экан. Шу лайлак тўртагина тухум қўйибди, кейин уларни иссиқ бағрига босиб ётган экан, ой, кун яқинлашиб, тўрттагина жўжа очиб чиқибди. Иккитаси қиз экан, иккитагинаси ўғил. Хўп, ана санингча бўла қолсин, иккитаси — мокиён, иккитаси — хўроз. Хуллас, вақтеки етиб, кунлар исиб кетгач, болаларини дарёнинг бу қирғоғига олиб ўтмоқчи бўлибди. Кейин улар билан савол-жавоб қилибди. Биринчи қизини чақириб сурабди: «Айт-чи, сани дарёдан ўтказиб қўйсам, эрта катта бўлсанг, нима қиласан?» «Катта бўлсам, сизни жонимдан ҳам яхши кўраман, қарисангиз, ҳар куни чўмилтираман, касал бўлсангиз, боқаман», дебди. Она лайлак «Бир мавсум шошмай тур», дебди. Кейин биринчи ўғлидан сурабди. «Катта бўлсам, сизни жонимдан ҳам яхши кўраман, нима десангиз айтганингизни қиламан», дебди. «Сан ҳам бир мавсум шошмай турасан», дебди. Навбат иккинчи қизига келибди. «Худо хоҳласа, катта бўлсам, аввал муносиби топилса, турмушга чиқаман. Вақтини топсам, бола-чақам, эрим билан келиб Сиздан хабар олиб тураман», дебди. Она лайлак уни елкасига миндириб дарёдан буёққа олиб учади. Қайтиб бориб кенжа ўғлидан сўрайди. Ўғли, «Катта бўлсам, насиб бўлса, хотин оламан, бола-чақа қиламан, ака-опаларимдан хабар олиб тураман, ҳаммамиз биргалашиб сизнинг хизматингизда бўламиз», дебди. Бу ўғлининг гапи унга жуда маъқул келиб, уни ҳам дарёдан олиб ўтибди...

Хўш, айт-чи Бобиршо, нега иккита лайлак боласи дарёнинг нарёғида қолиб кетди?... Билмадинг. Эшит, чунки, аввалги бир ўғил ва қиз лайлакча ўз оналарининг райига қараб, унга ёлғон сўзлаган эдилар... Тўғри айтдинг, улар яна «насиб бўлса», «худо хоҳласа» демаганлар... Энг асосийсини айтайми? Энг асосийси, дарёнинг бу ёғига ўтказилган лайлакчалар аҳил бўлишни, ҳали балоғатга етмасданоқ турмуш қуриб, зурёд қолдиришни ният қилган эдилар...

Энди ўзинг ўйла, манга отангни бир ўзи қарагани яхшими, ёки сан, Нодир, Собир, Манзура, Муҳаммаджон... ҳаммаларинг биргалашиб қарашганларинг яхшими? ... Баракалло... Шунинг учун ҳам қадимгилар лайлакни хосиятли, ақлли қуш дейишган-да, чироғим.

Кўнгилга ташриф

МУНОЖОТ

... Узбекистонда олмалар қийғос гуллаган пайтда Парижнинг нуфузли «де ля Виль» театри маъмурияти Узбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиевани халқаро концертга таклиф қилишди. Бу унинг Францияга учинчи марта бориши булса-да, сафар олдидан ҳаяжонланавераді. У-қу майли, дунё кўрган устози Узбекистон халқ артисти Шавкат Мирзаев ҳам Франция сафарига одатдагидан жилдийроқ қаради: «Бизнинг вазифамиз ҳам тарихчиларникидай масъулиятли. Фақат уларнинг тингловчиси — Ақл, бизники — Юрак». Мутолаа қилаётганидаги ёнишларда ҳам, газални ашулага айлантираётгандаги хонишларида ҳам устознинг шу таъкидлари Муножотнинг юрагида акс садо бериб турди.

«Бундан тўрт йил муқаддам Узбекистон французлар учун олий бир тасаввур эди. Энди бу тасаввур ойдинлашаётир. Энди улар Узбекистон деганда ўзлари мудом қизиқиш билан қараган қадим салтанат — довруқли Туркистон авлодини кўз олдига келтирадилар. Инсон тушунмаган дунёсига ётсираб қарайди, тушунган оламни ҳис қилади». Бу ички овоз Муножотнинг таскини, ишончи эди. Шу таскин, ишончи билан санъатни жуда теран англаб, жуда юксак қадрлайдиган француз саҳналарига кириб борди.

Ае, сен бехабар одам,
Илмни ёд қилмайсан,
Етиб хешу таборинг,
Уйлагили шому саҳарларда...

Устози кейинги пайтларда мана шу ёруғ қайғулар соҳибига — Хазинийга ихлос қўйган. Бир неча газалига ўзи ҳам куй басталади. «Ҳаётнинг барча чигалликлари Инсоннинг ўз қалбига келиб ечим топади. У аввало қалбни қалб буюклигида кашф этмоғи керак. Биз суфий шоирлар газалини куйлаганимизда тингловчига уларнинг ана шу гоясини етказишимиз шарт. Вазифамиз бу уринда энди адабиётшуносларникига яқинроқ. Фақат имконимиз уларникидан кенг — бизни таржимонсиз тушунадилар». Шавкат Мирзаевнинг айтган бу гапларининг ҳақлигини Муножот 1991 йил Америкага ташрифи кунларида билди. Ўшанда санъаткорларимизни «Осиё» деб аталган жамият таклиф қилган эди. Америка томошагоҳларида турли миллат, турли тил кишилари ёнма-ён, қатор-қатор ўтиришиб санъаткорларимизни тинглашди. Америкада катта программани Муножот Йўлчиева «Муножот» ашуласи билан бошлаб берган эди. Хорижлик санъатшуносларнинг жуда синчков, ҳозиржавоб бўлишар экан. Америкада ҳар бир концерт таассуротлари эртасигаёқ газеталарда ёритилган эди. Мана, Францияда ҳам шу. Ёзмишларида ҳар бир ашулага уйғун, ҳар бир ашулани бойитган либосларигача эътибор қилишибди.

«Баъзи мустамлака мамлакатлар ўттиз йилдаёқ ўз қиёфасидан бутунлай айриладилар. Биз ўзбек санъаткорлари ижроси, либосларида беш-олти аср олдинги аждодларнинг руҳини тирик кўрдик. Бу халқ қўлликдан омон чиққанининг далолати» мазмунидаги қувончли изҳорларни Муножот Ўзбекистонга, она-Ватанига суюнчи мужда қилиб олиб келаётир.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА

1 октябрдан барча нашрларга 1996 йил учун обуна бошланди. Шу жумладан, «Саодат» журналига ҳам. Олти ойлик обуна нархи — 66 сўм 75 т. Бир йилга — 133 сўм 50 т. «Саодат» журнали индекси 75378

Кубро қиссаси

Давоми. Боши газетамизнинг ўтган сонларида.

ФИТНА

Ровий айтур, Чингизнинг хоҳарзодаси юз эллик киши бирла савдогар бўлиб Қашқарга келди. Абдулла бу савдогарлар бирла ошно эрди. Ул кун Хоразмшоҳнинг божбор қариндоши Тошканддин Қашқарга келиб Абдулланинг уйунда меҳмон бўлуб ўлтурур эрди. Абдулла Чин Мочиндин келган савдогарларни зиёфат қилиб чақириб бошидан ўтган ишларни бир-бир айтиб Султон Қашқарга подшоҳ қилғонин, Чингизнинг уруб қувғонин бир-бир баён қилиб эрди. Ул ҳолда Чингизнинг хоҳарзодаси айди: «Ўзининг сўзининг ёмонлиқидан қувдурди. Султонинг беҳзода эканингни билмай подшоҳ қилибдур. Агар билса, султон ҳам уруб қувлар эрди». Абдулла султоннинг қариндошининг ёнида ҳижолат тортиб айди: «Саки бедин, мурдорхўр, бемаъни, бу сўзни айтмагил, ёмон бўлурсан. Чингизнинг ишига сани ўлтурмак лозим эрди. Андак санда хотираи меҳмонлиқ бор, деб савдогарларни қайтарди Султоннинг қариндоши Абдулла бирла бориб айди: «Эй савдогарлар, молингизнинг божин беринг». Савдогарлар айдилар: «Божбон, бизлар молимизни қайси вилоятда сотсак, анда берурмиз». Султоннинг қариндоши айди: «Эй савдогарлар, сизлар молингиздин бож беринглар, биз сизларнинг қўлингизга хат берали. Ҳеч кимнинг сизларга бож важҳдин даҳли бўлмасун» теди. Анда Чингизнинг хоҳарзодаси айди: «Бизлар бу ерда санга бож бермасмиз. Яна бир божбон тутса, анга не жавоб айтурмиз. Сандек божбонлар жаҳонда кўп бўлур. Ҳар бири бирлан сўзлашиб юрмасмиз». Анда Абдулла айди. «Эй саки бедин, бемаъни сўзлама бировланиға борсанг асл божбон бул турур». Чингизнинг хоҳарзодаси айди. «Сан Абдулла сакзода эрдинг. Манга сўзлагудек бўлдунгму? Сандек итлардин холо сўз эшитмасман», деб бир неча қабиҳ сўзларни айтди. Анда Абдулла ҳижолат тортиб, аччиғи келиб Чингизнинг хоҳарзодасин уруб ўлтурди. Ўзга савдогарларни ўйга солиб султонга бир хат ёзиб муҳр босиб айди: «Султони замон Чин Мочин вилоятидин Чингизнинг хоҳарзодаси бош бўлуб, юз эллик кишини савдогар мисол этиб жон сўзлиқга келибдурлар. Вилоятларнинг яхши-ёмонин билмак учун. Ман буларни уйга чақириб, зиёфат қилиб, сўзларининг мазмунин англаб, тутуб уйга солиб қўйдим. Сиз на дерсангиз, соҳиб ихтиёр турурсиз», деб тўрт кишини султонга йиборди. Султон ҳам атрофдин хабар келмади, деб дар ҳайрат бўлиб ўлтуруб эрдилар. Хабар келди, Қашқардин тўрт киши келди деп. Султон айди: «Ичкару кирсинлар». Абдулланинг йиборган кишилари кириб хатни чиқариб султонга бердилар. Султон ўқуб кўруб айдилар: «Абдулланинг ўзи билсун, хоҳ ўлтурсун, хоҳ қўйсун, ихтиёр ўзида», деб хат ёзиб муҳр босиб, Абдулла кишиларига бердилар. Бу хатни олиб шаҳри султондин чиқиб Қашқар тарафинга азм қилдилар. Бир неча кун йўл юриб, Қашқарга келиб султоннинг хатин Абдуллаға бердилар. Абдулла хатни кўруб, шод бўлуб қалмоқ савдогарларни уйдин чиқариб, барисин ўлтурди. Нечукким, Чингизнинг Абдуллаға берган ситами кўп эрди. Яна ҳам Абдуллани уруб қувгандан сўнг Абдулланинг аҳли аёлин Хитой, Хўжад тарафиға йиборибф сотдирди. Абдулланинг ўғлонлари зор-зор йиғлаб отасиға хат йибордилар. Бизларни Хитой, Хўжанд тарафиға сотдилар, теб. Бу сўзларни эшитгандин сўнг кечаю-кундуз фикри-зикри ўғлонларнинг фироқи эрди.

РОВИЙ АЙТУР, бу хабар Чин Мочинга етушди. Чингиз эшитиб паришонҳол султонга киши йиборди. Манга Абдуллани берсунлар, теб. Султон айди: «Бу сўзни Чингиз номаҳқул айтибтурур» деб, Чингизнинг йиборган кишиларин қайтарди. Чингизнинг кишилари бўлған сўзларни ёзиб Чингизга айдилар, Чингиз алайҳилаъна султоннинг айтған сўзларин эшитиб, паришон бўлуб, аччиғи келиб айди: «Ўғлум, эллик минг киши олиб бориб Қашқарға Абдулла бирла уруш, султон бирла урушма», деб ўғлиға кўп сипориш қилди. Ўғли Қашқарға келиб Абдулла бирда кўп урушуб, лашкари қирилиб, босқу топиб келур эрди. Олдидин султоннинг лашкари чиқиб тегди. Чингизнинг ўғли ҳарчанд отам султон бирла урушма, Абдулла бирла уруш, деб эрди, ман султон бирла ҳаргиз урушмасман, теди. Султон бу сўзни қабул қилмади, урушиб қалмоқларни қирди. Чингизнинг ўғли ожиз келиб босқу топиб бир оз киши бирлан қочиб Чин Мочин борди, Чингиз ўғлиға айди: «Ман санга демадимму султон бирла урушма, деб». Анда ўғли айди: «Эй ота, султонга кўп айтдим, ман сизни бирла уруш қилмасман, Абдулла бирла урушдим, ожиз келдим, босқу топдим, андин қочиб келурман тедим. Султон қабул қилмади. Охир ноилож бўлуб урушдим. Лашкарни қириб, охир қочиб келдим» теди. Андин сўнг Чингиз алайҳилаъна бир хат ёзиб айди: «Эй, султон, ман ваъдамга вафо қилибман. Сан ваъдангни буздинг. Бу сафар ҳам хат ёзғач, Абдулани манга йибор, йўқса ораға ўт тушар, яхши бўлмас», теди. Хатни Чингизнинг кишиси келтуруб султонга берди. Султон ўқуб, Чингизнинг кишиларин ўлдуруб, бир нечасинин қулоқ, бурнин кесиб айди: «Борғил Чингизга айтғил, Абдулланинг бир тора мўйин бермасман», деб йиборди. Ул кишилар юз ранжу меҳнат бирла Чин Мочин бориб Чингизга бўлган воқеаларни бир-бир баён қилдилар.

ЧИНГИЗНИНГ ҚАҲРИ

Ровий айтур, Чингиз алайҳилаънанинг қаҳри келиб, қуръа андозларини чақириб, рамл ташлатди. Хоразмни ким хароб қилур, деб. Раммоллар рамл урдилар. Хулагу одиға чиқди. Андин сўнг алломаи Тусий айди: «Эй Чингиз, ўзинг бирга борсанг, Бағдод борғунча олурман. Хоразмни Хулагу хароб этар», деб. Уч ой лашкар саранжом қилиниб Дашти Қифчоқда уруш қилдилар. Қалмоқлар бир неча мусулмонларни шаҳид қилдилар. Султоннинг лашкари ожиз бўлуб туруб эрди. Қашқар келди. Чингизнинг ўзи ўғлонлари бирла келатурур деб, Султон қуръа андозларға қараб айди: «Сизлар ҳам қуръа ташлаб кўрунг, не воқеа кўринур?» — теди. Тўрт юз қуръа андоз қуръа ташлаб айдилар: «Эй султон, сиза уч ой хавотир кўрунур. Уч ой қалъадин ташқари чиқманг», тедилар. Султон қабул қилмай, қалъадин чиқиб эрди. Нингиз шаҳри султонни олиб Қашқарға равона бўлди. Султон Қашқардин чиқиб Абдуллаға етти юз минг киши топшуруб, ўзлари Тошканд келиб тушдилар. Абдулла Чингиз бирла бир ой урушиб, лашкари қирилиб, ўзи ўлуб, Қашқарни Чингиз олуб Тошканд сари равона бўлди. Султон Чингизнинг келурин билиб Тошканддин чиқиб Самарқанд келиб Тошканднинг атрофин (Чингиз) қуршаб тушди. Султоннинг қариндоши, тўф отинглар, деб буюрди. Тошкандийлар тўф отмоққа машғул бўлдилар. Ҳар тўф отганда минг кишини нобуд қилур эрди. Чингиз илож топмай буюрди, Тошканд қалъасиға ердик югурунг, теди. Тошкандийлар бу ишдин воқиф эрдилар, ҳам ердин тиғ урумоққа машғул бўлдилар. Қалъа атрофи одам ўлуги бирла тўлди. Бир йўла қалмоқ сирилди, бир манзил кейин бориб тушди. Чингиз дар ҳайрат бўлуб алломаи Тусийга қаради. Аллома қуръа ташлаб айди: «Эй ҳоқон, етти кундин сўнг олурсен. Кундуз ётиб, кечалар қалъаға югурсунлар, олурсан», теди. Чингизнинг лашкари фарағат ётдилар. Кеча кеча ол фажира». Шайх айди: «Эй бор худоё, ўзинг билурсан», теб, худонинг қилған ишига рози бўлди.

Ровий айтур, Чингиз султон Маҳмуднинг изидин Бағдод кетди. Хулагу бирга Угадайхон, алломаи Тусий Хоразм келур эрдилар. Султон Жалолиддин Кобулийдин олған оти миниб Хулагу бирла бора туруб урушур бўлди. Кўрдиким, атрофида лашкардин бир киши қолмади. Охир ноилож бўлуб Хоразм тарафиға қараб дарёдин ўтди. Ўзга шаҳзодаларни Хулагу шаҳид қилди. Шаҳзода Жалолиддин Хоразм келиб минг киши олиб бориб Хулагу бирла урушди. Охир шаҳзода Жалолиддинни ҳам ўлтурдилар. Хулагу Хоразм келиб қалъани қамади. Ҳеч тадбир бирла ола билмади. Алломаи Тусий айди: «То Ҳазрат Шайх қалъадин ташқари чиқмағунча Хоразмни олиб бўлмас». Хулагу айди: «Бир киши бориб ҳазрат Шайх Нажмиддинға айтунглар, ул ташқари чиқсунлар. Ул киши бирла ҳеч кимнинг даҳли бўлмасун, ўзлари қайси ерни хоҳласалар, шул ерда бўлсунлар». Бу сўзни бориб ҳазратға айтдилар. Ҳазрат айдилар: «Ялғуз қалъадин чиқмасмиз». Яна бир киши йиборди. Ҳазрат қавм, қариндоши бирла чиқсунлар, теб. Яна бир киши бориб ҳазрат шайх Нажмиддинға айдилар: «Қавм, қариндошингиз бирла чиқинг». Анда ҳазрат айдилар: «Фароғатлиқда шаҳар халқи бирла бўлуб, мундоғ кунда айрилмасман». Булар Чингизға киши йибордилар. Ҳарчанд қилиб Хоразмни ола билмадук, деб. Ул кишилар Чингизға боруб бўлған воғеани бир-бир баён қилдилар. Чингиз айди: «Андоғ бўлса Хулагуға бориб айтғил, Угадайға салом берсун. Кичик ҳам бўлса, улуғ монанд қилсунлар. Хоразмни Угадайхон хароб қилур, Хулагуни одиға бўлур, Хоразмни хароб қилмағунча қайтмасунлар агар қайтса, Ҳиндустонда турсунлар. Ўзум келиб бирга олиб кетарман», теди. Яна ҳам султон изидин Бағдод борғунча борурман, ўзумга тобеъ қилмағунча қайтмасман, деб Хулагудин борған кишиларни қайтарди. Булар келиб Чингизнинг айтған сўзларин қабул қилиб угадайхонга салом бериб мутобиатлиқ қилдилар.

Ровий айтур, бир кун ҳазрат Шайх Нажмиддин кўнгуллари орзуи боғи фиразанга бўлди. Қалъадин чиқиб боғи фиразанга бориб сайр қилиб келиб ўлтуруб эрдилар, бир бўлак отлиғ қалмоқлар келур эрдилар. Ҳазрат айдилар: бизни ўлтурғувчи, шаҳидлик даражасига еткурувчи бача келди».

Ровий айтур, Хулагунинг Ёлғузхон деган бир ўғли бор эрди. Бир кун бир бўлак отлиғлар бирла Хоразм атрофин томошо қилиб келур эрдиким, бир боғнинг ичинда бир неча киши анжуман ўлтурубдурлар. Буларни кўруб боғ тарафинга келди. Муридлар кўп эрдилар. Бир ўғлондур, айни ўн беш ёшинда кокиллари белига чирмашған, ҳусни офтобға алайҳ қилур. Келиб ҳазратнинг бошиға бир тиғ солди. Ҳазрат бошларини ерга тушурмай, бир қўллари каллаларин, яна бир қўллари бирлан ўғлоннинг кокилидан тутдилар. Қалмоқ фарёд қила бошлади. Ҳарчанд итарур бўлдилар, ҳазратнинг қўллари ўғлоннинг кокилидин жудо бўлмади. Ҳазратнинг қўлларига олмос тиғ бирла урдилар, кесмади. Ўғлоннинг кокилин кесар бўлдилар, бир пора мўйин ҳам кеса билмадилар. Ҳайрон бўлуб турдилар. Бу хабар Хулагуға етишди. Хулагу алломаи Тусий бирла келди. Хулагу айди: «Ўлган кишининг қўлидин тирикни олиб бўлмасму?» — деб келиб ҳарчанд зўр қилди, ола билмади. Охир аччиғ бирла ҳазратнинг қўлларига олмос қилич бирла урди. Кор қилмади. Дар ҳайрат бўлуб қаҳри бирлан андоғ урдиким, қилич пора-пора бўлди. Кор қилмади. Охир ноилож бўлуб алломаи Тусий(дан) нечук бўлур (деб сўради). Алломаи Тусий айди: «Мунинг иложи мусулмон бўлса, қутулур. На учунким, ўғлунгни жаннатга раво кўрмишлар. Шул вақтда ўғлонга калимаи шаҳодат ўқутдилар. Ҳазратдин овоз келди: «Бу ўғлонни ўзум бирла жаннатқа олиб борурман» деб. Каллаларин бир қўлтуқиға олиб ўғлонни бир қўлтуқиға олиб кўздин ғойиб бўлдилар. Хулагу ўғлининг фироқиндайин фиғони фалакка етти. Охир ўғлининг аччиғидин хоразмийларға қилич юрутди. Ҳисобға рост келмас. Хоразм андоғ хароблиқға етдиким, фиғонлари осмонға етушди. Хулагу, Угадай, алломаи Тусий бош бўлуб, лашкар саранжом битириб амр қилдиким, ҳар ким ҳар кунда ўттуз калла кесмаса, ўзин ўлтурурман, деди. Лашкар қўрқувидин айтғандек қилдилар. Девонлар кесилган каллани дафтар юзиға олур эдилар. Кунда етти юз калла кесур эрди. Бу тариқа бирла қилич юрутдилар. Баъзи айтур ўн йилда хароб бўлди ва баъзи айтур саккиз йилда ва баъзи айтур саккиз ойда хароб қилди дерлар.

Байт:

Бўлур ҳар ким жаҳон аҳлида пайдо
Ўлум чанголидин бўлғуси шайдо.
Анингдек шайх амвот ўлганинда
Битиб тарихда шоҳи шаҳидо.

ЎЛЖА ОТ ВОҚЕАСИ

Султоннинг ўзи лашкарни ўғлонларига топшуруб Хоразмга хат йибориб аҳли аёлин кемага солиб Бағдод йибориб ўзлари Хоразмга мустаҳкам бўлсунлар, деб Бағдод кетди. Ўғлонлари Чингиз бирла урушуб Чингизнинг лашкарин бениҳоят қирдилар. Кўп мол ўлжа қилиб олдилар. Чингизнинг лашкари ожиз бўлуб Хоразм лашкари ғолиб келиб туруб эрдилар. Қобули лашкаридин бир яхши от ўлжа қилиб олиб эрди, султон Жалолиддин ул отни Кобулийнинг қўлидин олиб ўзининг одамларига бердилар. Кобулийлар айдилар: «Бизлар урушуб, киши ўлтуруб бир нимарса олсақ султон қўлимиздин олур. Андоқ қилиб урушғунча урушмай, Чингизга эл бўлсақ яхши эмасму деб, Кобулий, Кандахор (49б) Нишобур, Фишобур лашкари Чингизга бориб қўшулди. Они кўруб, Ҳиндустон лашкари қўшулди.

АЛҚИССА, султоннинг ёнинда киши қолмай, андин ўтуб Марв шоҳижаҳон бир бориб, ўруш тузди. Марвда ўн икки минг илғор бор эрди. Они ҳам Чингиз тийиб нобуд қилди. Марвда бир шайх бор эрди, Мунча бедодлиқни кўруб айди: «Эй бор худоё, мусулмонларға бедодлиқ солдинг», теди. Хотифдин овоз келди: «Ё айюҳо ал куфра ва либ қалъаға югурдилар. Охири ожиз этиб саккизланчи куни Тошканди олиб, султоннинг қариндошин ўлтуруб, Тошканди хароб этиб, Самарқанд тарафға азм қилди. Султон Самарқандда беш юз минг киши қўюб, ўзи Бухоро келиб тушди. Чингиз Тошкандин чиқиб Самарқанд келди. Кўрдиким, Самарқанд келибтурлар. Бир неча одамни Самарқандға йиборди. Манга тобеъ бўлсунлар, йўқ эрса Тошканддак хароб қилурман, теди. Анда самарқандийлар биз ул сўз бирла қўрқуб тобеъ бўлмасмиз, динни қўлдин бермасмиз, тедилар. Қўлундин ҳар на келса, дариғ қилмасун, бизлар ўлсак, шаҳид ўлурмиз, ўлтурсак ғозий бўлурмиз, деб жавоб бериб йибордилар. Чингиз кишилари қайтиб бориб бўлған воқеаларни бир-бир баён қилдилар. Чингизнинг қаҳри келиб, буюрди, Самарқандни қуршаб тушунг, бир кишисин ташқари чиқарманг, теди. Чингизнинг лашкари Самарқанд атрофин олиб тушдилар. Самарқандийлар кеча ғайрат қилиб уруб қалмоқни қуштадин пушта кўтардилар. Қалмоқ қирилиб юз дўндурумақда Хитой, Хўжанддин етти юз минг лашкар келиб қўшулди. Самарқандийлардин кўп одам қирилди. Самарқанд хароб бўлурға етушди. Самарқанд уламолари йиғналиб маслаҳат қилдилар. Бу кофирлар бирла мадора қилмасақ олам хароб бўлғудек, тедилар. Анда уруғлар айдилар: «Нучук этиб Чингиз бирла сўзлашурмиз?» Тўрт улама айдилар: «Бизлар бориб сўзлашиб келурмиз». Анда бир киши айди: «Султонға маълум қилинг, Бухорода турурлар». Анда уламолар айдилар: «Бизларга эмди султондин дод етушмас». Бу сўз бирла Чингизга тўрт киши йибордилар. Булар Чингизнинг олдиға бориб айдилар: «Бизлар самарқандийтурурмиз. Сендин бир сўз эшитгали, сўзимизни айтали деб келдук. На сўз айтурсан». Чингиз айди: «Сизлар манга тобеъ бўлсангизлар, урушум йўқ, булмаса урушурман». Анда булар айдилар: «Эй Чингиз, сан бу ердин кетиб қайси тарафға борурсан?» Чингиз айди: «Султоннинг изидин борурман». Анда булар айдилар: «Андоғ бўлса, ердин кўчуб кетгил, санинг бирла даҳлимиз йўқ. Қабул қилмасанг, санинг бирла ўлгунча урушурмиз». Чингиз қабул қилиб Самарқанддин Бухоро атрофиға азм қилди. Султон Самарқанднинг хабарин эшитиб паришон ҳол бўлуб Марв тарафиға равон бўлди. Дарё бўйиға келганда ўғлонлари олдидин чиқти. Ҳирот, Қандахор, Кобул, Нишопур, Ҳиндустон лашкарин келтурубтурлар. Чингиз Бухоронои ҳам Самарқанд монанди қилиб ўтди. Келиб Қоракўл тушди.

Давоми бор.

Наим КАРИМОВ

ШАҲИНАНИНГ МАЖНУНИ

«Шаҳинам, о менинг Шаҳинам, Билсанг, шимол Ватандир менга...» Бу сатрлар шеъриятга ошифта қалблардан мустаҳкам ўрин олган. Рус лирикасининг гўзал намояндаларидан бири Сергей Есениннинг адабий меросида шундай қўйчан сатрлардан таркиб топган «Эрон тароналари» туркуми айрича нуфузга эга. Рязаннинг зилол далалари бағрида ўсган ва киндик қони тўкилган заминга ўта вафодор бўлган шоир ҳаётининг сўнгги йилларида ғаройиб бир «дард»га йўлиққан ва бу «дард»нинг номи Шарққа, Эронга мажнунлик эди. Агарда бирор башоратчи Есенин 1924—1925 йилларга келиб, ўзининг энг дилбар шеърий туркумини Шарққа бағишлайди, деса, ҳатто унинг яқин дўст-ёрлари ҳам бунга ишонмаган бўлардилар.

С. Есенин 1920 йилда тошкентлик ғойибона дўсти А. В. Ширяевецга йўллаган хатида, жумладан, бундай сўзларни ёзган эди: «Сен жуда кўп беҳуда шеърлар ёзаяпсан, сенинг Шарқ тўғрисидаги шеърларинг менинг айниқса ғашимни келтирди. Наҳотки, сен шунчалик сартлашиб кетган бўлсанг ёки ўзингда қадрдон заминнинг кучини-сезмаётган бўлсанг?»

А. В. Ширяевецнинг асл фамилияси Абрамов бўлиб, у Волга бўйидаги Ширяево қишлоғида туғилганлиги сабабли Ўрта Осиёга кўчиб келганидан кейин шу қишлоқ ўнимни ўзига тахаллус қилиб олган. У 1914 йили Суриков номидаги адабий-мусиқий тўгаракка сиртдан аъзо бўланида, С. Есенин тўгаракка қарашли журналнинг котиби бўлган. Улар ўртасидаги ғойибона дўстлик ана шу даврдан бошланган. Есенинниинг юқорида баён этилган таъноси эса унинг 1919 йили Тошкентда нашр этилган шеърий китоби ҳақида айтилган эди. Қизиғи шундаки, «Қуёш ва чимбет ўлкаси» деб аталган бу китобнинг иккинчи номи «Туркистон тароналари»дир.

А. В. Ширяевец С. Есенинга ўз шеърларини юборибгина қолмай, уни Тошкентга ва умуман Туркистонга таклиф ҳам этган. Шунинг учун у тилга олинган хатига «Октябрда Колобов билан бирга Тошкентда бўламан», деб ваъда ҳам берган. Ўша йилнинг охирларида бошқа бир тошкентлик рус шоири В. Волпин С. Есенин ҳузурида бўлганида, у Пугачёв ҳақида асар ёзаётгани, шу важдан исёнкорнинг тарихий йўли бўйлаб сафарга чиқиш, Волга бўйлари ва қирғиз (қозоқ) даштларида бўлиш, сўнг «ўзини аллақачонлардан буён жалб этаётган Туркистон»ни зиёрат қилиш ниятида эканлигини айтган. Аммо шоир орзиқиб кутгани бу сафарга 1921 йилнинг баҳор ойларидагина чиқиш имкониятига эга бўлган. У Бутун Русия эвакуация комиссиясининг инспектори Г. Р. Колобовнинг шахсий вагонида 14 май куни Самарадан Тошкентга келган. У уч ҳафта мобайнида, қарийб май ойининг сўнгги кунларига қадар ўзбек диёрида бўлиб, кундузлари дўстлари даврасида, кечалари эса ўша махсус вагонда истиқомат қилган.

С. Есенин Тошкентга келганида, баҳорнинг майин кунлари ўтиб, ёзнинг иссиқ кунлари бошланган эди. Шунга қарамай, у, ўз одатига кўра, кулранг костюмини ечмай, ўзининг ташқи кўринишига лоқайд бўлмаган шоир эканлигини ҳар бир қадамда намойиш этган. У келган кунлари ўзбек юртининг ўзига хос табиатидан айниқса завқланиб, тор кўчаларда мағрурона юрган туялар, эшакка миниб олиб, бозордан нималарнидир харид қилиб қайтаётган кишиларга, шарқираб оқаётган ариқларга зангори осмоннинг тиниқ кўзгусига ҳайрат билан боққан.

Бу, рўза кунлари эди. Шунинг учун ҳам дастлаб Ширяевецнинг онаси меҳмонни ўзи ўрганган ўзбек таомлари билан сийлади, саратон кунларида кишига айниқса хуш ёқадиган кўк чой ҳам меҳмонга манзур бўлди. Кейин рўза кунлари ўтгандими ё ифтор соатлари яқинлашгандами, дўстлар уни Шайхонтаҳурдаги машҳур чойхонага олиб бориб, ўзбек халқининг миллий ҳаёти лавҳалари билан таништирдилар. Кейинчалик «Эрон тароналари»дан ўрин олган мана бу сатрлар Тошкент чойхоналари тўғрисида бўлса ажаб эмас:

Доғлар кетмиш мажрух кўнгилдан,
Маст васваса кўзғамас тугён.
Мен дардимга Техрон гулидан
Чойхонада тополдим дармон.
Чойхоначи — барваста, ўктам,
Қойил қолсин рус, деб, чойимга,
Ўткир арақ, май ўрнига ҳам
Аччиқ-аччиқ чой тутар менга.

(Эркин Воҳидов таржимаси)

В. Волпин ўз хотираларида бундай ёзади:

«Ёдимда бор, биз бир неча киши бўлиб Эски шаҳарга бордик, одамлар орқасидан кетавериб, қандайдир ошхонанинг иккинчи қаватдаги айвонига чиқдик. Бизнинг рўпарамизда адл қайрағочнинг анвойи, ям-яшил дўпписи яшнаб турарди — бу дарахтни Есенин биринчи маротаба кўриши экан. Бу манзара юқоридан қараганда янада фусункор бўлгани учун Есенин узоқ вақтгача таомга қўл урмай турди.

Есениннинг соат чўнтагида каттагина сариқ гул бўлиб, у, афтидан, гулни сўлдириб қўймаслик учун дамба-дам унга эҳтиёт билан қараб қўяр эди.

Биз шаҳарга трамвайда кеч қайтаётганимизда, у ҳамон қаттиқ ҳаяжон оғушида эди».

Юқорида айтиб ўтилганидек, Г. Р. Колобовнинг вагони Тошкент темир йўл вокзалининг хилват гўшаларидан бирида қолдирилган эди. Улар эрталаб ҳисобсиз темир йўл изларини ҳатлаб, вокзал майдонига чиқишар ва бу ёрдан извош ёллаб, ё шу кунлари хизматдан таътил олган Ширяевецнинг уйига, ё бошқа бирор манзилга йўл олардилар. С. Есениннинг истаги билан шоирлар аксар ҳолларда Шайхонтаҳурга келиб, шайх Зайниддин бобо мақбараси ва масжидни зиёрат қилишар, сўнг ўша чойхонада ҳордиқ ёзар эдилар. С. Есенин қанча уринмасин, кўрпача устида шарқона ўтиришга кўника олмас ва ўзининг бу уқувсизлигидан ҳижолат чекар эди.

Яқин-яқинларгача рус шоирининг Тошкентда ўзбек зиёлиларидан ҳам таклиф этган. Лекин, афсуски, Есениннинг Тошкентга сафари ҳақидаги хотиралар 50-йиллардан кейингина ёзила бошлагани ва ўша сафарнинг аксар шоҳидлари боқий дунёга рихлат қилганлари учун бу борада бирор маълумот қолмаган. Есенин эса Москвадан чиқаётганида Туркистонга адабий учрашувлар ўтказиш учун бораётганини айтган. Ва у, ваъдасига биноан, ҳар бир учрашувда албатта, ўз шеърларини ўқиган. Мезбонлардан ҳам ўз тилларида шеърлар ўқишни илтимос қилган. Бизнинг бу тахминимизни Есениннинг ёш замондошларидан бири ҳам тасдиқлайди.

Е. Г. Макеева Азимбой тўғрисида сўзлаб, бундай хотирлайди:

«...У рус тилини биноийдек билган, ўзбек шеъриятидан ҳам яхшигина хабардор киройи киши эди. Есенинни унга катта «рус Ҳофизи» сифатида таништирганлар. Биз икки қаватли шинамгина уйнинг ёнидан оққан ариқ бўйидаги супада узоқ ўтириб, бир-биридан ширин нарсаларни истеъмол этдик, кейин эса палов келди; шундан сўнг Азимбой, менимча, фақат ўзбек тилида эмас, балки, чамаси, форс тилида ҳам чўзиб-қуйлаб шеър ўқиди (мен ўзбек тилини унча-мунча билганим учун бу ҳақда гапиряпман). Есенин ҳам бунга жавобан ўз шеърларини ўқиди, бу шеърлар ҳам куйчан ва мусиқий эди. Азимбой ва унинг меҳмонлари маъқул, дегандек бошларини силкитиб, тилларини танглайларига уриштириб-тарақлатиб ўтирдилар, лекин мен Есениннинг шеърлари чиндан ҳам уларга манзур бўлдими ёки бу шарқона хушфеъллик ва меҳмоннавозликнинг белгиси эдими, буни билолмадим.

Аммо аниқ билганим шуки, Есениннинг ўзи Шарқ шоирларининг шеърларини жуда диққат ва эътибор билан эшитди, бутун вужуди билан олдинга ташланиб, ўзига бегона бўғиз товушига қулоқ солиб, гўё унинг ички ритми, маъноси, мусиқасини тушунишга уринди.»

Бу хотирада тилга олинган Азимбойнинг меҳмонлари ким бўлди? Унинг тижоратга алоқадор дўст-ёрларими ё ўша йилларнинг таниқли шоирларими? Умуман, Азимбой кимлар билан яқин бўлган? Афсуски, бойлардан ҳазар қилган ва большевикларга топинган йилларимизда биз миллатнинг Азимбой сингари пешволарини унутиб юборганмиз.

Тошкентлик рассом Ф. В. Лихолетовнинг хотираларига кўра кунларнинг бирида Есенин ва унинг ҳамроҳлари Чимён этакларига ҳам сафарга чиққанлар. Есенин шу сафар чоғида тошдан-тошга урилиб, шарқираб оққан сой билан Чимённинг оппоқ қорлик чўққиларидан кўзини узмаган. Унинг назарида, бу чўққиларга қадар бўлган масофа у қадар узоқ эмас, шунинг учун ҳам шоир извошчиларни шу чўққилар сари боришга қистар, улар эса асло унамас эдилар.

Шубҳасиз, Есениннинг Тошкентдаги аксар кунлари китобхонлар ва мухлислар билан учрашувларга бағишланди. У Қизил Армия клуби, Жонли сўз студияси, Туркистон оммавий кутубхонаси, Луначарский уйи, ҳатто «Турон» ва «Хива» кинотеатрларидаги Шоирлар уюшмасининг кечаларида, шунингдек, тошкентлик мухлислари ҳузурида кечган йиғинларда тинимсиз ўз шеърларини ўқиди. У ўн тўрт ёшидан бошлаб ёза бошлаган барча шеърларини ёд билган, шунинг учун ҳам, бир учрашувда ўқиган шеърларини иккинчи бир кечада такрорламас эди.

Е. Г. Макееванинг хотираларида яна бир мароқли воқеа тасвир этилган. Бу хотиранинг дастлабки сатрлари ҳам эътиборга лойиқ бўлгани учун ундан каттароқ парча келтирамиз:

«Есенин «жонли Шарқ» билан, унинг кишилари, санъати, шеърияти билан учрашишни жуда-жуда истарди. Менинг маданиятга алоқадор қандайдир бир муассасада танишим бўларди, у менга бу ишни расмий равишда амалга оширишнинг иложи йўқлигини айтди: миллий санъат шаклланиш босқичида бўлгани учун ҳали на бирор ўзбек театри, на бирор ижодий уюшма бўлмаган, шунинг учун ҳам шоир ва мусиқани кимнингдир уйида тўйма-тўй юрувчи артистларни таклиф этиб, эшитиш мумкин эди, холос.

Эски шаҳарда отамнинг шундай тўйларни бир-икки ўтказган таниши бўлган. Унинг фамилияси — Норбеков. Биз синглим Ксана, отам, Колбов ва Есенин билан (яна кимдир бор эди, лекин мен бошқа ҳеч кимни эслаб қолмаганман) унинг уйига бордик. Қандай айём эканлиги ҳозир ёдимда йўқ, ҳар ҳолда карнай наъра тортар, ҳофизлар ашула айтар, бир хил дўппи ва чопон кийган ва бир-бирига ўхшаган ёшлар дуторда уларга жўрлик қилардилар. Есенин, сезишимча, бу шовқин-сурондан қулоғи том битган бўлса ҳам, буни сездирмас, ҳар қачонгидек, ўта эътиборли ва назокатли бўлиб, ҳазиллашар ва кулар эди; лекин унинг асаблари таранглашиб бораётганини ҳам сезиш қийин эмас эди...»

Бу тилга олинган ҳодиса, чамаси, рўза кунлари тугаб, ҳайитнинг биринчи куни кечган бўлса ажаб эмас. Одатда шу кунлари карнай-сурнайлар ҳормай-толмай нидо қилиб, элу юртнинг қувончидан бутун оламга жар соладилар. Норбековнинг шахсига келганда, у Тошкентнинг машҳур кишиларидан бири бўлган. Мунаввар қори, Саидносир Миржалилов, Чўлпон сингари улуғ сиймолар билан дўст-ёр бўлган ака-ука Норбековлар ўзбек халқининг энг тараққийпарвар сиймоларидан эди.

Хуллас, Есенин Тошкентда бўлган кезларида ўзбек табиати, санъати ва шеърияти билан, ўзбек халқининг танти қалби билан озми-кўпми танишди. Унга бутунлай ёт бўлган халқнинг ўзига хос хусусиятларини тушуниш, мушоҳада ва мулоҳаза этиш учун эса вақт зарур эди. У 25 майда тошкентлик биродарлари билан хайрлашиб, Самарқандга, ўша Колобовнинг вагонида йўл олди. Кўҳна ўзбек меъморчилик обидалари билан обдон танишганидан сўнг эса Москвага қайтди. Есенин уч ҳафталик Шарқ билан танишиши асносида ўзи учун мутлақо янги ва фусункор хилқатни кашф этди. Кунлар ўтган сари Шарқ унинг руҳий оламида янги жилвалар ҳосил этиб, унинг гўзалликка ошифта қалбини тобора банд қила борди. Унинг кейинчалик майдонга келган «Эрон таронлари»да Тошкент кўчалари ва чойхоналарида бўлиб ўтган учрашувлар, Келес далалари ва Чимён этакларида унинг нигоҳини сархуш қилган манзаралар ўз тасвирини топган, десак, ҳақиқат озор топмас.

Бу туркумга кирган шеърларнинг марказида Шаҳина образи туради. Унга бўлган шоир муҳаббати бутун туркумни бирлаштириб, унга ғоявий ва бадиий тугаллик бағишлайди. Есенин шеърларининг моҳир таржимони Эркин Воҳидов томонидан Шаҳина деб таржима этилган қизнинг асл номи Шаганэдир. Адабиётшунослар узоқ йиллар мобайнида Шаганэнинг ким эканлиги тўғрисида бош қотириб келдилар. Кимнингдир Шаганэ бу Есениннинг жонажон дўсти Чагиннинг фамилиясидан ҳосил бўлган исм, деган фикри узоқ вақт мобайнида адабиётшуносликда ҳукм суриб келди. Лекин, маълум бўлишича, Шаганэ 1924 йилда Батумида яшаган арман мактабининг ўқитувчиси Шаганэ Нерсесовна Таляннинг исми экан.

Шоир уни «Эрон таронлари»нинг марказига олиб чиқди. Шаганэ ва унинг ажойиб тақдири билан танишган шоир мутаассир бўлиб, унинг номини ўзининг юксак истеъдоди гуллари билан абадийлаштирди.

Замондошларнинг гувоҳлик беришларича, Есенин Тифлисда Етим Гуржи деган халқ шоири билан танишган. У рус шоири билан суҳбатда унга бундай сўзларни айтган:

— Агар қўшиқ юракдан чиқса, у қандай бўлишидан қатъий назар, тинглашга ярайди. Довуд мақтанар экан: «Менинг қўшиқларим Парвардигорга жуда ҳам ёқади, деб. Парвардигор эса осмондан назар ташлаб, бошини силкитибди ва дебди: «Қўй-э, мақтанишингни қара!... Ботқоқдаги ҳар бир қурбақа ҳам сендан ёмон куйламайди! Қара, у бутун юраги билан куйлаб, менга манзур бўлишга урининпти!» Шундан кейин Довуд уялганидан ер ёрилмапти-ю ерга кирмапти...»

Есенинштуносларнинг фикрига кўра, «тароналар»дан жой олган мана бу сатрлар ана шу суҳбат таъсирида майдонга келган:

Ўзгаларнинг овози билан
Тўтиқўш ҳам бийрондир, аммо
Куйла фақат ўз созинг билан
Қурбақадек бўлса ҳам ҳатто.

Лекин мен бу ва бошқа сатрларни ўқиб, улар замирида Есениннинг Туркистондан олган таассуротлари изини кўраман. Тошкентлик есениншунос олимлар ҳам шу фикрни тўла қўллаб қувватлашади. Зеро, Ширяевецнинг «Туркистон тароналари»га жавобан ёзилган «Эрон тароналари»нинг асл илдизи Сергей Есениннинг Туркистонга, Тошкентга қилган сафаридадир. Рус шоирининг Шаҳинага ва унинг ватани Ш